Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 121 (3622)
СЕШАНБА
30 МАЙ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

◆ ШАҲАР — ҚИШЛОҚҚА

ПИЧАН ЎРИМИГА

Ленин районининг меҳнат коллективлари Жиззах областининг оталиқдаги Октябрь районн хўжаликларида чорвачилик фермалари учун 8 минг тонна пичан тайёрлаб бериш мажбуриятини олишган.

Ҳозир районнинг юзга яқин меҳнаткаши пичан ўримида қатнашишяпти. Шаҳарликлар қишлоққа ўз техникаси — пичан ўрадиган, уни пресслайдиган агрегатлар, 20 автомашина, 4 прицеп, бензавоз, сафар ошхонаси билан келдилар.

Яқинда 15 кўчма автоустахона эниш кампаниясидан қайтиб келди. Тошкент корхоналарининг мутахассислари бўлган слесарлар, пайвандчилар, темирчилар Охунбобоев, Собир Раҳимов, Ҳамид Олимжон, Тимирязев номли совхозларнинг далаларида техниканн ремонт қилишда қатнашди. Пахтакорлар бегараз ёрдамлари учун шаҳарликларга қизғин миннатдорчилик изҳор этишди.



Ильич номли Москва электромеханика заводи ишчиларининг «Самарадорлик ва сифат беш йиллигига — ишчи нафолати» ташаббуси Тошкент тўқимачилик комбинатида кенг қулоч ёймоқда.

СУРАТДА: комбинатнинг илғор тўқувчилари Зулайхо Қамбарова ва Гулбаҳор Қулматова. Уларнинг ҳар бири 36 дастгоҳга хизмат кўрсатиб, бир сменада пландан ташқари 500 метрга яқин дағал газлама ишлаб чиқармоқда.

Ш. Иброҳимов фотоси. (ЎзТАГ).

Шаҳрим — фахрим

ПРОСПЕКТ ЖАМОЛИ

«Халқлар дўстлиги» проспекти шу кунларда янада гўзаллашиб бормоқда. Метрополитен ишга туширилганлиги муносабати билан илгари 18-трамвай маршрути қатнаган йўлдаги рельслар олиб ташланган эди. Ҳозир ана шу йўл ўрнини ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

«Гордорстройремонт» трестининг ремонт-қурилиш бошқармалари трамвай йўли ўрнида пиёдалар учун икки қаторли йўлкалар бунёд этмоқдалар.

Проспектнинг Муқимий кўчасидан «Тошкент» автовокзалигача бўлган қисмини участкаларга бўлиниб, қурилиш ташкилотларига биркитилди.

3-ремонт-қурилиш бошқармаси йўлсозлари «Ҳамза» метростанцияси атрофида ободончилик ишларини ниҳоясига етказиб, проспектда йўлкалар қуриш ишларини бошлаб юбордилар. Бу ерда йўлсозлик ишлари жадал суръат билан олиб борилмоқда. Кўп ўтмай «Халқлар дўстлиги» проспектининг метро линияси қурилиши пайтида бузилган иккинчи қисмини ҳам тиклаш ишлари бошлаб юборилади.

ЖАДАЛЛИК БИЛАН

«Гордорстройремонт» трестига қарашли 3-ремонт қурилиш бошқармасининг М. Майоров ва А. Зиннатуллин бошлиқ бригадалари Ленин районидаги Весна ва Манжара кўчаларини реконструкциялаш ишларини олиб боришмоқда.

Бу ерда кўчалар аввалгига нисбатан кенгайтирилиб, унинг атрофларидаги йўлкалар ва сугориш тармоқлари қайта қурилмоқда. Кўчаларни асфальтлаш ва ободонлаштириш ишлари тезкорлик билан олиб борилмоқда.

Бошқармаиинг Д. Вогас бошлиқ бригадаси коллективи эса «Пахтакор» метро станциясининг «Ёшлик» спорт манежи тарафида ободончилик ишларини ниҳоясига етказиб, проспектда йўлкалар қуриш ишларини бошлаб юборди.

УЙ-ЖОЙ ФОНДИГА ЭЪТИБОР

Уй-жой органлари жамоатчилик асосида ишловчи активларининг бўлиб ўтган шаҳар йиғилиши уй-жой фондини намунали асрашга бағишланди. Шаҳар уй-жой бошқармасининг бошлиғи У. Ризаев «Уй-жой органларининг 1978 йил тўрт ойлик ишлари якунлари ва уй-жой фондини асрашда жамоатчилик асосида ишловчи уй комитетларининг вазифалари ҳақида» доклад қилди.

Йиғилиш қизғин амалий мусоҳабалар шаклида ўтди. Йиғилганлар жамоатчиликнинг ёш авлодни тарбиялашдаги катта роли ҳақида гапирдилар.

Ушбу йиғилишда биринчи марта уй комитетлари умумшаҳар Совети сайланди. 25 кишидан иборат ушбу Совет уй комитетларининг жамоатчилари ва домкомлар ишини координациялаш ва уй-жой фондини намунали асрашга кўпчиликни жалб этиш масалаларн билан шуғулланади. Турар жойларда тарбиявий ишларни яхшилашга алоҳида аҳамият беради.

Шавкатли меҳнатнинг олдинги сафида

В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси «Коммунистик меҳнат коллективи» фахрий унвонига сазовор бўлди

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнаткашлари баҳорнинг шу серқуёш кунини узоқ вақт эслаб қоладилар. Йиғув цехи қизил алвонлар билан безатилган. Заводнинг кўплаб ишчилари корхонага «Коммунистик меҳнат коллективи» юксак унвони берилганлиги ҳақидаги қувончли хабарни эшитиш учун шу ерга митингга тўпландилар.

Митингни партия комитетининг секретари Ф. Н. Назмиддинов очди. Минбарда— бирлашма бош директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Н. Сивец, У корхонага фахрли унвон бериш тўғрисида қарорни маълум қилди. Коллектив социалистик мусобақани ташкил этишнинг юксак савияси, техника-иқтисодий кўрсаткичлар, ишлаб чиқариш маданияти, техника даражасининг юқорилиги, меҳнат шароитининг яхшиланаётганлиги учун ана шу мукофотга сазовор бўлди.

Ҳозир ишлаб чиқариш бошлиғи, ўша вақтда агрегат цехи бошлиғи А. Е. Айрапетов бошчилигидаги агрегат цехи, шунингдек, Ш. Б. Бобохонов бошчилигидаги конструкторлик бўлими корхонада биринчи бўлиб «Коммунистик меҳнат коллективи» унвонига сазовор бўлди. Ишчилар ўртасида биринчи бўлиб слесарь Х. Тожимуродов, М. Кудрейко, эгувчи Н. Самигов, моторист М. Рошчин ва бошқалар коммунистик меҳнат зарбдори бўлишди. Улар чкаловчиларнинг энг яхши анъаналарига содиқ қолиб, меҳнатга чинакам коммунистик муносабат намуналарини кўрсатдилар. Ана шу анъаналар руҳида ҳозир самолётсозларнинг ёш авлоди тарбияланмоқда.

Бирлашма коллективи йилдан йилга, беш йилликдан беш йилликка техника-иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш суръатларини ошириб борди, план топшириқларининг, социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаб келди. Корхонада ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш, реконструкция қилиш, илғор техника жараёнларини жорий этиш бўйича йирик тадбирлар амалга оширилди. Сифатни бошқариш комплекс системасининг ишлаб чиқилиши биринчи тақдимдаёқ топширилади ган маҳсулотларни 97,6 процентгача етказиш имконини берди. Ҳозир завод Сифат белгисига барча маҳсулотнинг 90 процентн аттестация қилинган.

Ҳозир 39 цех ва бўлим коллективлари, 712 ишлаб чиқариш группалари ва бригадалари, звенолари коммунистик меҳнат коллективи унвонига сазовор бўлган. Социалистик мусобақанинг кенг қулоч ёйганлиги СССР Олий Совети депутати, разметкачи Т. К. Ляшко, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати слесарь М. Маннопов, фрезерчи А. А. Девятова, катта мастер Е. С. Субботин, слесарь П. М. Шевченко каби ишлаб чиқариш новаторларининг янги, ажойиб ташаббуслар билан чиқишларини таъминлади.

Ишлаб чиқаришдаги катта ютуқлар ижтимоий вазифаларни муваффақиятлироқ ҳал этиш имконини берди. Учинчи беш йилликнинг фақат дастлабки икки йилида тўртта болалар боғча-яслиси, 460 ўринли касалхоналар комплекси, кинотеатр, ётоқхона, 1300 ўринли мактаб, техника билим юрти фойдаланишга топширилди. 2 мингдан зиёд оила янги шинам квартираларга кўчиб ўтди.

Митингда сўзга чиққан чарҳловчи М. Фозилов, конструкторлик бюросининг бошлиғи В. Селиванов, электрик С. Даутова, ишлаб чиқариш бошлиғи А. Айрапетов тошкентлик самолётсозларнинг меҳнатига юксак баҳо берганликлари учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига миннатдорчилик билдириб, бирлашма коллективи ўзининг фидокорона меҳнати билан бу юксак унвонни шараф билан оқлайди, 1978 йил ва умуман беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаради, деб ишонтирдилар.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, область партия комитети номидан чкаловчиларни фахрий унвон билан қизғин табриклаб, уларга сиҳат-саломатлик ва жонажон Ватанимиз шон-шуҳрати йўлидаги меҳнатларида янгиданги муваффақиятлар тилади.

Митинг қатнашчилари план ва ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилига қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун курашни кучайтиришга даъват этиб, бирлашманинг барча меҳнаткашларига қарата мурожаат қабул қилдилар.

В. ШАУРОВ.

ҚУВВАТ ОШМОҚДА

БУГУН

сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмасида сузма тайёрлашда қўлланиладиган поток линия лойиҳа қувватига етказилди.

Поток линиядаги 16 автомат парҳез маҳсулотларини бутунлай автоматлар ёрдамида тайёрлашга имкон яратди. Сузмалар 250 граммдан маҳсус полимерли идишларга жойланмоқда. Линиянинг қуввати соатига 400 килограммдан парҳез маҳсулотлари тайёрлашга тенг.

Янги автоматик линиянинг ишга туширилиши билан корхонада шу йил амалга ошириш мўлжалланган, ташкилий-техник тадбирлардан яна бири бажарилди. Яқин кунларда бу ерда сут маҳсулотларини қадоқлаш автоматлари ҳам ишга туширилади.

ЮКСАК АҲДГА ЯРАША

159-трестнинг 9-қурилиш бошқармасида меҳнат қилаётган В. Миллер бошлиқ монтажчилар бригадаси тўрт йиллик топшириқни бажарганлиги ҳақида рапорт берди.

Ҳозир бу пешқадам коллектив қишлоқ хўжалик институти учун тўққиз қаватли ётоқхона корпусларини бунёд этмоқда. Коммунистик меҳнат бригадаси номини шараф билан оқлаётган бу коллектив аъзолари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ошириган мажбурият қабул қилишди. Улар СССР янги Конституциясининг бир йиллиги кунига қадар беш йиллик топшириқни уддалаш, 120 куб метр темир-бетон тежаб қолишга аҳд қилдилар.

Бригада аъзолари юксак мажбуриятни уддалаш учун зарбдор суръат билан меҳнат қилишяпти. Улар ҳар куни топшириқни деярлиги ҳисса бажаришга эришяптилар. Юксак унумдорлик учун бошланган мусобақада В. Ковальчук, А. Липоткин, А. Расулов сингари монтажчилар олдинда боришмоқда. Улар иш вақтидан ва материаллардан самарали фойдаланиш туфайли кунлик вазифани 200 процентга етказиб бажаришга эришмоқдалар.

◆ *Фестиваль кундалиги*

Осиё: кураш ва умид экрани



Осиё қитъасидаги йигирма мамлакат V Тошкент Халқаро кинофестивалида қатнашиш учун делегацияларини юборди. Улар олиб келган фильмлар планетанинг шу регионидаги ижтимоий-сиёсий вазиятни, кишиларнинг ташвишлари ва орзу-умидларини ифода этади. Бу қитъа халқлари демократия ва тараққиёт йўлида ижтимоий ўзгартишлар учун, империализм ва янги мустамлакачиликка қарши курашмоқдалар.

— Афғонистон кинематографияси р и в о жининг бугунги йўналиши биз учун равшан: бу — мамлакатимизда бошланган революцион ўзгартишларни кўрсатишдан иборатдир, — деган фикрни билдирди Афғонистон Республикасидан келган кино арбоби Ҳаким Холиқ.— Шу нуқтаи-назардан қараганда Тошкент фестивали бизнинг ёш кинчилар учун сиёсий ва бадиий етуклигининг ажойиб мактабидир.

Монголия Халқ Республикасининг кинематографиячилари Тошкент кўрикларида биринчи фестивалдан бошлаб бешинчи марта иштирок этмоқдалар. Бу гал улар режиссёр Жигжиднинг янги асари— «Ҳаётни деб» бадиий фильмини кўрсатдилар. Картина бош қаҳрамони — врач тақдири мисолида хотин-қизларга социалистик жамиятда берилган жуда катта имкониятларни очиб кўрсатади. Тематиканинг муҳимлиги фильмда халқнинг миллий маданий анъаналари билан узвий боғланган.

— Ўз асаримизни фестивалда кўрсата олганимиздан хурсандмиз, — дейди кинолента ижодчиси. — Бу ерда тўпланган экран усталарининг хайрихоҳлик билан берган баҳоси бизнинг бундан буёнги ижодий ишимизда ёрдам кўрсатиши шубҳасиз, биз уларнинг фикрини ғоят қадрлаймиз.

Ҳиндистон делегацияси кино анжуманидаги энг кўп сонли делегациядир. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Тошкент кинофестивалларининг доимий қатнашчилари бўлмиш шу мамлакатнинг кинематографиячилари фильмларни қўйишдаги теранлик ва маҳоратлари билан, доимо инсонга, унинг энг эзгу ҳис-туйғуларига мурожаат этишлари билан бу ерда аллақачон меҳр-муҳаббатга ва эътиборга сазовор бўлишган, Кино анжумани иштирокчилари ва меҳмонлари, кўпдан-кўп томошабинлар фестиваль экрани учун улар олиб келган янги асарларни қизиқиб кутмоқдалар.

Непаллик артист Ч. Деви Сингх эса уч қитъа кинематографиячиларининг Тошкент учрашувига биринчи марта келди. Ёш кино артисти, дарвоқе, Бутуниттифоқ кинематография давлат институтини битириб чиққан Ч. Деви Сингх бундай деди:

— Кинематографиямиз бу йилги анжуманга тақдим этган «Кумарий» фильмида мен ўзимнинг биринчи ролимни ижро этдим. Мамлакатингиз киносини жуда севаман, мамлакатингизнинг экран усталари мен учун ҳамиша намуна бўлиб қолади. Биргаликда яратилган Совет — Непал фильмида роль ижро этиш менинг эзгу орзуимдир.

Осиё мамлакатлари кинематографиячилари тақдим этган кўпгина бадиий ва ҳужжатли лента лар Тошкент фестивали экранида кўрикдан ўтказилди. Одатда бу лентала рнинг ҳар бири тўғрисида жуда кўп фикр-мулоҳазалар билдирилади. Ҳамкасблар, кино анжумани қатнашчилари ва меҳмонлари қизиқиш билан муҳокама қилади. Ироқ кинематографиячилари «Дала» номли қисқа метражли фильмни намойиш қилганларидан кейин дўстларнинг самимий табрикларини қабул қилдилар. Бу фильмда режиссёр Собиқ Ал-зуҳайри деҳконларнинг ўз ерига бўлган меҳр-муҳаббатини, бу ерга ҳамла қилаётган агрессорларга нафратини ҳужжатли материаллар асосида ишончли тарзда кўрсата олган.

Уткир, актуал проблемалар... Фестиваль фильмларида бундай проблемалар кўп. Осиё қитъасининг тараққийпарвар кино арбоблари замон билан ҳамоҳанг масалаларни, ўз мамлакатлари халқларининг курашини экранда намойиш этмоқдалар.

А. БАРАНОВ,
О. ОСИПОВ.
ЎзТАГ мухбирлари.

◆ *Сўз — фестиваль қатнашчиларига*

Мафтунингман, Тошкент!

Тарлок ЧАН ДЕВАН, ҲИНДИСТОН, режиссёр.

Ҳиндистон аҳолисининг ҳар бири Тошкент сўзини чиройли талаффуз этади. Чунки бу шаҳарнинг номи бизга қадимдан таниш. Биз сизнинг шаҳрингиз ҳақида кўп эшитганмиз. Лекин уни кўриш истагида эдик. Уч қитъа мамлакатларининг кинофестивали бу шаҳарга марҳамат қилиш имконини берди. Фестивалнинг дастлабки кунлари кўпгина жойларни бориб кўришга тўғри келди. Ҳадра майдонидаги муҳташам цирк биноси ўзининг салобати билан диққатимни жалб этди. Бу санъат қасри архитектураси ва қурилиши билан шаҳарнинг чинакам кўрки экан. Бундан ташқари қатор боғлар, хиёбонларнинг йўлкаларида яйраб юрдик.

Фестивалга тақдим қилинган ҳинд фильмлари орасида мен тайёрлаган «Севгилим» деган картина ҳам бор. Томошабин ана шу фильм орқали оддий ҳинд кишиларнинг қалбидаги орзу-истакларни, мамлакатнинг жозибали музикаси ва манзаралари, халқнинг урф-одатлари билан яқиндан танишади.

Ҳиндистон кинематографияси вакилларининг Тошкент фестивалига келган делегацияси жуда салмоқлидир. Делегация сафида таниқли режиссёрлар, актёрлар, операторлар ва кино муассасалари ходимлари бор. Делегациянинг бундай салмоқли бўлиши унинг Тошкент фестивалига бўлган қизиқишидан, ана шу анжуманнинг шиорига муҳаббат билан қараётганлигидан далолат беради. Фестивалнинг шиори ўзининг чуқур мазмуни ва моҳияти билан ана шу уч қитъадаги тинчликсевар санъаткорларнинг орзу-истакларини қамраб олади. Биз кўраётган қатор фильмларда ҳам фестивалнинг шиори ёрқин акс этиб турибди. Чинакам кино оддий халққа, унинг эртанги ҳаёт учун олиб бораётган ҳаракатига яқиндан кўмакдош ва тилакдош бўлиши керак.

Байрам руҳидаги шаҳар

Тацуя ТАКЕДА, Япония, киноактёр.

Мен Тошкент кинофестивалига биринчи марта таклиф этилдим. Бундай имконият берилганлигидан ўзимни ғоятда хурсандман деб биламан. Уч қитъа кинофестивалин и н г дастлабки кунларида таассуротларимиз янада кўпая бошлади. Биз бу ерда жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган ҳамкасблар билан учрашиш, уларнинг маҳорат ҳақидаги сўзларини эшитиш, яратган картиналарини кўриш шарафига мушассар бўляпман.

Япония киносанъати фестиваль экранига тақдим этган картиналар орасида «Қизил дуррача» деган фильм ҳам бор. Мен ана шунда ўзимга манзур бўладиган ролни бажарганман.У агарда ўзбек томошабинларга манзур бўлса киносанъатидаги вазифамни ало этганман деб ҳисоблайман.

Тошкент шаҳри чиндан ҳам серқуёш, оқшоми эса чароғон экан. Ҳамма кўчалар, майдонлар, бинолар ҳудди байрам руҳини бошидан кечираётганга ўхшайди. Кишиларнинг хорижий меҳмонларга бўлган меҳрмати, эътибори менга жуда ҳам ёқиб қолди. Ана шундай фазилатлар менинг хотирамда узоқ вақтлар сақланиб қолади.

ЁШ ИЖОДКОРНИНГ ВАЗИФАСИ

Тошкент область комсомол комитети, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва республика ижодий союзлари В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида шаҳар ва пойтахт области ёш ижодкорларининг йиғилишини ўтказдилар.

Бу йиғилиш ВЛКСМ XVIII съезди якунлари ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев асарларини чуқур ўрганиш, ёш ижодкорларнинг ана шу съездда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланди. Унда артистлар, ёзувчилар, шоирлар, киночилар, журналистлар, актерлар ҳамда театр ижодий ишчилари, ёш ижодкорларнинг ана шу съездда бу катта йиғинида область партия комитетининг секретари А. М. Ҳўжаев, область комсомол комитетининг биринчи секретари Б. С. Камолов, шаҳар комсомол комитетининг секретари Х. Шоҳматов, шоир М. Мирзаев, Горький номли рус драма театрининг артисти Л. Ҳўжаева, экономика институтининг сектор мудири П. Носиров ва бошқалар Ленин комсомолининг тарихий съездининг аҳамияти, ҳозирги пайтда олиб бораётган ижодий ишлари ҳақида гапириб бердилар.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ 29 май куни халқ депутатлари Тошкент область Советининг сессияси бўлиб ўтди. Сессияда область халқ депутатлари маҳаллий Советларининг Ўзбекистон ССРнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуни талабларини бажариш соҳасидаги вазифалари муҳокама қилинди.

◆ Қашқадарё ва Наманган областларининг пиллачилари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини амалга ошира бориб, социалистик мусобақани авж олдириб, давлатга пилла сотиш мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар. Қашқадарё области пиллачилари 1800 тоннадан зиёд хом ашё, Наманган области пиллачилари 2660 тоннадан зиёд хом ашё тайёрладилар.

◆ 29 май куни юзлаб тошкентликлар, Тошкент кинофестивалининг қатнашчилари ва меҳмонлари пойтахтдаги Ҳамза номли театрга йиғилдилар. Курашаётган Чили халқи билан бирдамликка бағишланиб бу ерда тантанали йиғилиш бўлди.

Йиғилиш қатнашчилари Чили халқининг фашистлар диктатурасига қарши одилона курашини қизғин қўллаб-қувватлаётганликларини айтдилар.



Узбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигига қарашли Тошкент тажриба-механика заводи коллективи ўртасида беш йиллик шахсий топшириқларини уч ярим йилда бажаришга аҳд қилган зарбдор ишчилар сафи ой сайин ортиб боряпти.

СУРАТДА: завод металл конструкциялари тайёрлаш цехининг ташаббускор ишчиларидан (чапдан-ўнгга) К. Собиров, Ю. Запрягаев, А. Тошпўлатов ва К. Собиров ўртоқлар.

М. Нуриддинов фотоси.

телетайп лентасидан

◆ ПРАГА. Чехословакия экранларида «Космосдаги ҳамкорлик» янги ҳужжатли фильми намойиш қилина бошланди. Фильм Чехословакия олимлари, инженерлари ва техникларининг «Интер-космос» программасини амалга оширишда иштирок этишига, Совет Иттифоқида ЧССРнинг биринчи космонавти В. Ремекнинг тайёргарлик кўришига, биринчи халқаро экипажнинг космосда биргаликда қилган парвозига бағишланган. Фильмни «Чехословакия ҳарбий фильми» ва «Қисқа метражли фильм Прага» студиялари суратга олган.

◆ БУДАПЕШТ. ВХР Министрлар Совети мамлакатда энг йирик бўлган «Халимбе—3» боксит шахтасини кенгайтириш программасини тасдиқлади. Корхонада боксит қазиб чиқаришни йилига 1,2 миллион тоннага етказиш кўзда тутилмоқда. Бу эса шу шахтада ҳозирги вақтда қазиб чиқарилаётган боксит миқдоридан икки баравар кўпдир.

◆ ПАРИЖ. Франция меҳнатнаш аҳолисининг турмуш даражаси доимо пасайиб бормоқда. Умумий меҳнат конфедерациясининг маълумотларига кўра, кейинги 15 ой ичида 4 кишидан иборат француз оиласининг харид қилиш қобилияти 3 процент, оиласи бўлмаган ишчининг харид қилиш қобилияти эса 4,1 процент пасайиб кетди.

◆ ВАШИНГТОН. АҚШда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ҳамон ошиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги министрлигининг бу ерда эълон қилинган докладига мувофиқ, аввало гўшт нархи ғоят кўп ошганлиги натижасида бу йил озиқ-овқат маҳсулотлари илгари кутилган 6—8 процент ўрнига 8—10 процент қимматлашади. Гўштнинг асосий сортлари нархи дейилади министрлик докладида, бир йилда камида 16—18 процент кўтарилади.

◆ МАПУТУ, Мозамбиқ пойтахтида саноатда социалистик мусобақани ривожлантиришга бағишланган умуммиллий кенгаш тугади. Кенгаш қатнашчилари миллий реконструкциялаш ва мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш жараёнини жадаллаштириш билан боғлиқ нўпгина масалаларни муҳокама қилдилар.

◆ ИСЛОМОБОД. Покистон ҳарбий маъмурлари сўнгги уч ҳафта мобайнида журналистлардан 140 дан кўпроқ ношини қамоққа олдилар. Бу журналистлар матбуот эркинлигини чеклаб қўйган қонунларни бузишда айбланмоқдалар. Қамоққа олинган кишиларнинг кўплари турли муддатга турма жазосига ҳукм қилинган.

Маъмурларнинг ана шундай жазо чоралари матбуот намояндаларида норозилик туғдирди. Мамлакатнинг журналистлик ташкилотлари баёнот эълон қилиб, бунда ҳарбий режимни кескин равишда танқид қилдилар ҳамда «Мусаваат» газетасини нашр этишнинг тақиқланишини бекор қилишни ва қамоққа олинган барча матбуот ходимларини озод этишни талаб қилдилар.

(ТАСС).

• *Назоратчиларнинг доимий вахтаси*

МАҲСУЛОТ СИФАТИ — ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи тайёрланаётган маҳсулот сифатини яхшилашни ўзининг биринчи даражали вазифаси деб билади. Шуни ҳам айтиш керакки, бу борада жуда кўп ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1977 йилда тайёрланган умумий маҳсулотнинг 31 проценти Сифат белгиси билан чиқарилди. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида эса 8,2 миллион сўмлик маҳсулот беш қиррали белги қўйилган ҳолда чиқарилди. Бу корхонада тайёрланган барча маҳсулотларнинг 43 процентини ташкил этади.

Бу муваффақиятларга бирлашма халқ назоратчилари ҳам ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшишяпти. Ҳозир назоратчилар сафида корхонанинг 160 ишлаб чиқариш илғори, етук мутахассислари уюшган. Бош группа, ўн битта цех группаси, битта халқ контроли пости иш олиб боряпти. Тайёрланган маҳсулот сифатини махсус ташкил этилган сектор кузатиб боради. Бу секторга анчадан буён инженер Н. Савченко моҳирлик билан етакчилик қилиб келмоқда. Сектор аъзоларининг ташаббусларига кўра ҳар ҳафтада маҳсулот сифатини текшириш ўтказиш анъанага айланиб қолди. Характерлиси шундаки, текшириш натижалари шу куннинг ўзида барча цех ва бўлим раҳбарлари иштирок этадиган кенгайтирилган йиғилишларда муҳокама қилинади. Бу йиғилишларда мастерлар, биринчи галда камчиликлар ва технология қоидасини бузиш аниқланган участкаларнинг мастерлари иштирок этишади. Бу нарса халқ назоратчиларининг обрўсини ошириш билан бирга уларнинг ишларининг самарали бўлишига шароит яратмоқда. Бунинг учун бирлашманинг 2-филиалида бўлиб ўтган воқеани эслаш кифоя.

Бу ерда февраль ойида болалар кийимларини ишлаб чиқариш бўйича олинган план бажарилмай қолиш хавфи туғилди. Назоратчилар дарҳол фильялдаги барча технологик жараёнларнинг иш натижасини ўрганиб чиқишди. Натижада филиални ҳом ашё ва материаллар билан таъминлашда, ускуналардан фойдаланишда камчиликлар борлиги аниқланди. Текшириш натижаларини кўриб чиқишни назоратчилар партия комитетининг йиғилишига тавсия этишди. Бу йиғилишда филиалнинг топшириқни бажаришига шароит яратадиган тадбирлар плани тасдиқланди. Орадан кўп ўтмасдан филиал ишида жиддий ўзгариш юз берди. У биринчи квартал якунига кўра бирлашмадаги коллективлар ўртасида учинчи ўринни эгаллади.

Халқ назоратчилари томонидан аввал қабул қилинган қарорларни текшириш бўйича ўтказилаётган тадбирлар ҳам маҳсулот сифатини яхшилашга катта таъсир кўрсатмоқда.

Корхонада «Кам чиқим билан кўпроқ, сифатли маҳсулот тайёрлайлик» шиори остида ўтказилаётган кўрик-конкурслар сифат кўрсаткичларининг ҳар томонлама яхшиланишига шароит яратяпти. Кўрикка халқ назоратчилари аъзо бўлган махсус комиссияда хулоса чиқарилади. 300 дан зиёд киши маҳорат беллашувларида иштирок этаётганлиги кўрик-конкурсларнинг оммалашиб бораётганлигини яққол кўрсатиб турибди. Кўрик иштирокчилари фақат кейинги ойнинг ўзида тежамкорликка хизмат қилувчи 36 таклиф киритишди. Шундан 25 таклиф ишлаб чиқаришга жорий қилиниб, корхонада 18 минг квадрат метр ҳар хил газлама тежаб қолинди.

Характерлиси шундаки, тайёрланаётган маҳсулот сифати назоратчилар томонидан ҳар бир участкада кузатиб борилади. Бу ишда ҳамма нарса муҳим ҳисобланади. Мана бир мисол. Яқинда халқ назоратчиларига поток сифатсиз ип билан таъминланаётганлиги ҳақида хабар қилишди. Ҳақиқатан ҳам ўтказилган рейд вақтида участкаларга ҳар хил рангга эга бўлган ипак иплар бир хилда етказиб берилмаётганлиги аниқланди. Назоратчилар ип-бўяш цехида бўёқлар ўз вақтида келтирилмаётганлиги, жиҳозлар ва ускуналар унумли ишламаётганлигини аниқлашди. Текшириш натижаси бирлашма бош директори иштирокида ўтказилган йиғилишда муҳокама қилинди. Бу тикув цехидаги камчиликларни бартараф этилишига сабаб бўлди.

«Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси халқ контроли группа ва постлари томонидан амалга оширилаётган барча ишларни санаб ўтишнинг иложи йўқ. Улар томонидан ўтказилаётган ҳар бир тадбир маҳсулот сифатини яхшилашга хизмат қилмоқда.

А. КРИВОЦЮК,
«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси халқ контроли бош группасининг раиси.

Шу йил январь ойининг бошида ишга тушириладиган энг йирик саноат объектлари қурилишларида халқ контроли группалари раисларининг Совети тузилди. Унга бош пудрат ишларини олиб борувчи ташкилотлар, нинггина эмас, балки буюртмачилар, ёрдамчи пудратчи ташкилотлар халқ контроли постлари ва группаларининг раҳбарлари ҳам бирлашди. Раислар Советига уюшган назоратчиларнинг кучи билан жуда катта ишлар амалга оширилди. Улар партия ва хўжалик раҳбарларига қурилишларни белгиланган график бўйича олиб борилишида, ишни рационал ташкил этишда, материал ва ишчи ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланишда амалий ёрдам кўрсатяптилар. Ана шундай Советлардан бири абразив буюмлари комбинати қурилиши қошида ташкил этилган эди. Қуйида Советнинг иш тажрибаси ҳақида фикр юритмоқчимиз.

ИШ ТАЖРИБАСИДАН

Ҳамкорлик асосида

Абразив буюмлари комбинати қурилишида тузилган халқ контроли группаси раислари Совети 6 кишидан иборатдир. Халқ контроли группалари раисларининг беш нафари қурилиш ишлари билан бевосита машғул бўлса, олтинчи аъзоси буюртмачи ташкилот вакилидир. Советга Н. Дудников раҳбарлик қилади. Совет махсус ишлаб чиқилган план бўйича иш олиб бориши сабабли муваффақиятларни кўлга киритяпти. Улар қурилиш ишларининг график бўйича бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатишган.

Масалан, қурилишнинг металл конструкциялари ва темир-бетон буюмлари билан таъминланиши устидан текшириш ўтказадилар. Якунлар Совет мажлисида муҳокама этилиб, камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этиш учун чора-тадбирлар кўриляпти. Шунингдек, Совет ўз қарорларининг қандай бажарилиши устидан ҳам назорат ўрнатган.

Масалан, қурилишнинг биринчи йил бошидан буён Совет аъзолари комбинат назоратчилари билан биргаликда беш марта текшириш ўтказадилар. Якунлар Совет мажлисида муҳокама этилиб, камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этиш учун чора-тадбирлар кўриляпти. Шунингдек, Совет ўз қарорларининг қандай бажарилиши устидан ҳам назорат ўрнатган.

Масалан, қурилишнинг металл конструкциялари ва темир-бетон буюмлари билан таъминланиши устидан текшириш ўтказилди. Текшириш натижалари билан бирга уларнинг самарали бўлишига шароит яратмоқда. Бунинг учун бирлашманинг 2-филиалида бўлиб ўтган воқеани эслаш кифоя.

Бу ерда февраль ойида болалар кийимларини ишлаб чиқариш бўйича олинган план бажарилмай қолиш хавфи туғилди. Назоратчилар дарҳол фильялдаги барча технологик жараёнларнинг иш натижасини ўрганиб чиқишди. Натижада филиални ҳом ашё ва материаллар билан таъминлашда, ускуналардан фойдаланишда камчиликлар борлиги аниқланди. Текшириш натижаларини кўриб чиқишни назоратчилар партия комитетининг йиғилишига тавсия этишди. Бу йиғилишда филиалнинг топшириқни бажаришига шароит яратадиган тадбирлар плани тасдиқланди. Орадан кўп ўтмасдан филиал ишида жиддий ўзгариш юз берди. У биринчи квартал якунига кўра бирлашмадаги коллективлар ўртасида учинчи ўринни эгаллади.

Халқ назоратчилари томонидан аввал қабул қилинган қарорларни текшириш бўйича ўтказилаётган тадбирлар ҳам маҳсулот сифатини яхшилашга катта таъсир кўрсатмоқда.

Корхонада «Кам чиқим билан кўпроқ, сифатли маҳсулот тайёрлайлик» шиори остида ўтказилаётган кўрик-конкурслар сифат кўрсаткичларининг ҳар томонлама яхшиланишига шароит яратяпти. Кўрикка халқ назоратчилари аъзо бўлган махсус комиссияда хулоса чиқарилади. 300 дан зиёд киши маҳорат беллашувларида иштирок этаётганлиги кўрик-конкурсларнинг оммалашиб бораётганлигини яққол кўрсатиб турибди. Кўрик иштирокчилари фақат кейинги ойнинг ўзида тежамкорликка хизмат қилувчи 36 таклиф киритишди. Шундан 25 таклиф ишлаб чиқаришга жорий қилиниб, корхонада 18 минг квадрат метр ҳар хил газлама тежаб қолинди.

Характерлиси шундаки, тайёрланаётган маҳсулот сифати назоратчилар томонидан ҳар бир участкада кузатиб борилади. Бу ишда ҳамма нарса муҳим ҳисобланади. Мана бир мисол. Яқинда халқ назоратчиларига поток сифатсиз ип билан таъминланаётганлиги ҳақида хабар қилишди. Ҳақиқатан ҳам ўтказилган рейд вақтида участкаларга ҳар хил рангга эга бўлган ипак иплар бир хилда етказиб берилмаётганлиги аниқланди. Назоратчилар ип-бўяш цехида бўёқлар ўз вақтида келтирилмаётганлиги, жиҳозлар ва ускуналар унумли ишламаётганлигини аниқлашди. Текшириш натижаси бирлашма бош директори иштирокида ўтказилган йиғилишда муҳокама қилинди. Бу тикув цехидаги камчиликларни бартараф этилишига сабаб бўлди.

«Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси халқ контроли группа ва постлари томонидан амалга оширилаётган барча ишларни санаб ўтишнинг иложи йўқ. Улар томонидан ўтказилаётган ҳар бир тадбир маҳсулот сифатини яхшилашга хизмат қилмоқда.

А. КРИВОЦЮК,
«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси халқ контроли бош группасининг раиси.

◆ АҲИЛЛИК — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

◆ СИФАТ ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК — ҲАММАНИНГ БУРЧИ

◆ ШТАТ РЎЙХАТИДАГИ ЧАЛҚАШЛИКЛАР

◆ БЕНЗИНГА НАВБАТ КУТИБ

тошкент ОҚШОМИ

ХАЛҚ НАЗОРАТИ





«Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси халқ назоратчилари самарали ишларни амалга оширишмоқда.

Суратда: корхона халқ назорати бош группасининг аъзолари навбатдаги текшириш планини муҳокама қилишмоқда.

* * *

Коммунистик меҳнат зарбдори Василий Павлович Шабельников 2-трамвай депосида меҳнат қилаётганига 30 йилдан кўп бўлди. У бир неча марта халқ контроли группасига аъзо этиб сайланди.

Суратда: В. Шабельников ҳаракатдаги состав сифатини текширмоқда.

Амалий таъсир кўрсатди

Кейинги вақтларда шаҳар халқ контроли комитетига фан, маданият, соғлиқни сақлаш ишлари устидан келаётган шикоятлар сони икки мартадан зиёдроқ қисқарди. Назоратчилар ўтказган текширишлар натижаси шуни кўрсатяптики, мактаблар ва халқ маорифи системасидаги мактабгача болалар муассасалари ишида суиистеъмол қилиш ҳоллари ҳам шунчадан зиёд қисқарди. Бу эса назоратчилар фаолияти активлашгани туфайли амалга ошди. Ўз навбатида халқ назоратчиларининг ўқувининг изчил ва аниқ йўлга қўйилгани ҳам бунга катта ёрдам берди. Шуни айтиш кифоя, фақат сўнгги ойлардагина шаҳар халқ контроли комитетининг фан, маданият ва соғлиқни сақлаш бўлимлари Акмал Икромов, Киров, Куйбишев, Октябрь, Фрунзе районлари халқ назоратчиларининг доимий ишловчи университетларида ўнта семинар, кенгаш ва машғулотлар ўтказишди. Бу машғулотларда «Текширишни ташкил этишнинг формма ва методлари», «Халқ контроли органлари тўғрисидаги низомга мувофиқ назоратчиларга берилган ҳуқуқлардан тўғри фойдаланиш хусусида», «Аввал қабул қилинган қарорлар ижросини контроль қилиш» ва ҳоказо мавзулар ишлаб чиқилди. Университетлар и н и н г машғулотларида Киров район халқ маорифи бўлими халқ контроли бош группасининг намунали ишлари кенг муҳокама қилинди ва ўрганилди.

М. КАРИМОВ,
Тошкент шаҳар халқ контроли комитетининг инспектори.

● ЖОЙЛАРДАН ХАБАРЛАР

Тежамкорлар кўриги

Тошкент тўқимачилик комбинати назоратчиларининг ҳар икки текширувидан бири ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиш, меҳнат, материал ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан тежаб фойдаланишга қаратилган. Шу билан бирга корхона халқ назоратчилари комбинат партия ташкилоти ва маъмуриятига иқтисод ва тежамкорлик режимини кучайтиришда катта ёрдам бермоқдалар.

Назоратчиларнинг текширишлари юзасидан кўрилган чоралар корхонага шу йилнинг биринчи кварталида 27,5 тонна пахта, 280 минг метр ҳом сурп, 788 гигакалорий иссиқлик, минг киловатт-соатдан кўпроқ электр энергияси тежашга ёрдам берди. Бу эса корхонага умуман 353 минг сўмни иқтисод қилиш имконини берди.

Назоратчилар ўз ишларининг натижасини комитет йиғилишида муҳокама қилиб, комбинатда социалистик мулкни асраш ва ишлаб чиқариш резервларидан тўлароқ фойдаланиш юзасидан кўрик ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Бу тадбир комбинат партия комитетида тўла маъқулланди. Кўрикда халқ контроли группа ва постлари, комсомол прожектори, касаба союз ташкилоти активистлари қатнашдилар.

А. ШЕВАРЕНКО,
Тошкент тўқимачилик комбинати халқ контроли комитетининг раиси.

• *Группа ва постларда*

РЕКЛАМАЦИЯ БЎЛМАЙДИ

Тошкент грампластинкалар заводи Урта Осиё республикалари, Қозғистон, Сибирь, Узоқ Шарқ аҳолисини грампластинкалар билан таъминловчи корхона ҳисобланади. Шунинг учун ҳам заводга маҳсулотларни сифатсизлиги ҳақида келаётган реклмациялар назоратчиларни қаттиқ хафа қиледи. Бу камчиликка барҳам бериш учун халқ назоратчилари махсус рейд ўтказишди. Жўнатишга ҳозирлаб қўйилган контейнерлар синчиклаб текшириб чиқилди. Текшириш пайтида назоратчилар айрим маҳсулотларнинг сифати ёмон эканлигини аниқлашди. Шунингдек, асосий сифатсиз маҳсулот клейлаш цехидан чиқаётганлиги аниқланди. Бу ерда ўрнатилган эски ускуналар маҳсулот сифатини яхшилашга тўсқинлик қиларди.

Бу масала партия комитетининг йиғилишида муҳокама қилинди. Йиғилишда назоратчиларнинг таклифлари эътиборга олиниб маҳсулотларни клейлайдиган янги автоматлар ўрнатиш тавсия этилди. Кўп ўтмасдан бундай автоматлар ишга туширилди. Назоратчилар шу билан бир қаторда механизмини ҳам кучайтиришга аҳамият беришди. Натижада сифатсиз маҳсулот тайёрлашга чек қўйилди. Ҳозир завод ўзи тайёрлаган маҳсулотларга рекламация олаётгани йўқ. Бунда халқ назоратчиларининг ҳам ҳиссалари бор.

Танқид ўти билан

Сичқонларни нега унутишди?

АГАР лавозими эътиборга олинса, Эркин Шариповч Зуфаровни Октябрь районидаги ҳар бир сичқон яхши билади. Ахир у район профилактик дизенфекция бўлимининг мудири сифатида деярли бир йилдан буён зараркунандалар ва ҳашаротларга қарши курашдек муҳим ва масъулиятли ишнинг бошида турибди. Албатта. Эркин Шариповч штат рўйхатига мувофиқ зараркунандаларга қарши курашда бир ўзи эмас. Ўнлаб дизенфектор, дизинструктор, врачлар, завхоз, бухгалтерлар ва машинистка ҳам шу ишга жалб этилган. Қисқа қилиб айтганда, бутун бир армия ўзларининг бошлиқлари тозалик ва тартиб учун курашга берадиган биринчи буйруққа тайёр. Аммо сичқонларга қарши кураш фронтида бир ойдан буён хотиржамлик. Бу нима билан изоҳланади, деб сўрарсиз. Бу шу билан изоҳланадики, зараркунандал а р г а қарши кенг ва планли курашни ташкил этиш учун ҳозирча Эркин Шариповичнинг мутлақо вақти бўлмаган.

Халқ назоратчилари томонидан ўтказилган текширишнинг кўрсатишича, район профилактик дизенфекция бўлими мудирининг хаёли қандай қилиб иш ҳажмини оширмасдан туриб хусусий даромадларни ошириш ўйлари билан банд. Эркин Шариповч ўйлаб-ўйлаб шу фикрга келдики, у бошлиқ бўлган муассаса хизматчиларининг иши жуда ўзига хос. Биринчидан, ҳар бир дизенфекторнинг бажарган иш ҳажмини ҳисоблаб чиқиш жуда мушкул. Иккинчидан эса ҳеч ким бу ишни қилишни хоҳлагани йўқ ва хоҳламайди ҳам. Ҳақиқатан ҳам қандайдир текширув комиссияси аъзоларининг юзлаб квартиралар ва муассасаларга зараркунандаларга қарши дорилар сепилганми, йўқлигини қараб чиқиш ноқулай-да.

Эркин Шариповч худди шундай йўл тутишга қарор қилди. Шунинг учун ҳам бирданига ўзининг мудирлик хизмат лавозимига қўшимча ярим ставка вазифасини ҳам қўшиб қўйди. Унинг маоши ҳам сўзсиз анча ошиб қолди. Деярли бутун йил давомида Зуфаров ана шу йўл билан давлат ҳисобидан 700 сўмга яқин пулни ўзлаштириб юборди.

Ўртоқ Зуфаров худди ана шундай «имтиёз» билан ўз рафиқасини ҳам ишга жойлаб қўйди. У барча инструкциялар ва қонунларга хилоф равишда ўз бўлимига у билан қонуний никоҳда бўлган хотини Фозиловани дизенфектор вазифасига рўйхатдан ўтказди. Бу билан ҳам қаноатланмаган мудир тез орада хотинига ярим ставка дизенфектор вазифасини ҳам қўшиб берди. Шундан кўп ўтмай эса хотинининг ярим ставка дизенфекторлик штатини сақлаган ҳолда лаборантлик вазифасига ўтказди. Фозилованинг асосий хизмат вазифаси нимадан иборат эди, деган саволга эса оддий ва қисқа қилиб: мояна олиш рўйхатига имзо чекиш эди, деб жавоб бериш мумкин. Фозилова бошқа ишни қила олмаси ҳам, чунки лаборант вазифасини бажариш учун унда тегишли маълумот ҳам, тажриба ва илм ҳам йўқ эди. Назоратчилар ҳисоблаб чиқиб, Зуфаров хотинини сохта равишда ишга жойлаш орқали давлатнинг 500 сўмдан ортиқ пулини ўзлаштириб юборибди.

Эркин Шариповч раҳбарлик вазифасига қарамасдан бир ўзи ана шундай ишларни бажара олмаси, албатта. Уни кимдир қўллаб-қувватламаса, ҳеч бўлмаса қонунга хилоф иш тутаётганини бекитишга имкон бермаса шунчаликка етмаган бўларди балки. Зуфаров бундай қўллаб-қувватловчини катта бухгалтер Э. Тўлаганов мисолида топди. У моддий нормаларнинг назоратчиси бўлиш ўрнига ўз бошлиғидан ўрнак олиб, биринчи бўлиб давлат чўнтагига қўл чўзди. Тўлаганов шу йўл билан 500 сўмни ўмариб олди. Мудир томонидан Тўлагановга таклиф қилинган ярим ставка дизенфекторлик вазифаси ана шунча сўм турарди.

Штат рўйхатларини талон-тарож қилиш бу билан тугамади. Профилактик дизенфекция бўлимининг бошқа ходимлари ҳам ана шундай йўл билан мўмай даромад топишга тушиб кетдилар. Завхоз Р. Сулаймонов ва кассир Э. Кузьминалар ҳам Зуфаровга «имтиёз» кўрсатишни сўраб қолишди. Албатта, мудир энди ҳеч қаёққа чекинолмасди. Хасислик қилмасдан завхоз ва кассирга ҳам яна битта дизенфекторлик штатини бўлиб берди.

Зуфаровнинг сахийлиги ҳақидаги миш-мишлар республика соғлиқни сақлаш министрлиги Эпидемиология бошқармасига ҳам тезда бориб етди. Бу ерда ҳам Зуфаров ўзининг ҳимоячиларини топди. Масалан, бошқарма машинисткаси И. Тарасова Октябрь район профилактик дизенфекция бўлимига мутлақо алоқаси бўлмаган ҳолда Эркин Шариповичдан қандайдир ярим ставка вазифа илтимос қилди.

Шуни айтиш керакки, бўлим мудирининг сахийлиги умуман сахийлик бўлиб қолмай, балки танлаб-таналаб ишлатиладиган сахийликка айланди. Масалан, бўлимга Эркин Шариповичнинг институтида танишган дўстлари Гафуров ва Турсуновалар ҳам ишга олишни сўраб келиб қолишди. Зуфаров шу ондаёқ уларни врачлик вазифасига ишга олиш ҳақида буйруқ берди. Ахир у Гафуров ва Турсуноваларнинг маълумоти биолог эканлигини, шунинг учун ҳам ҳеч қачон врачликни эплай олмаслигини жуда яхши биларди-ку.

Аммо ҳамма ҳам бундан рози эмасди. Масалан, Гильманова. Кочубей каби дизенфекторлар ва дизинструктор Галимжоновларга ўнлаб марта бировларнинг ҳисобига икки баробардан иш бажаришга тўғри келди.

Халқ назоратчилари текшируви натижалари шаҳар халқ контроли комитети мажлисида муҳокама қилинди. Октябрь район профилактик дизенфекция бўлими мудири Э. Зуфаров ва катта бухгалтер Э. Тўлагановларга қатиқ ивговор эълон қилишди. Улар моддий жавобгарликка ҳам тортилдилар. Бошқа айбдорлар ҳам жазоландилар. Эҳтимол, энди ўртоқ Зуфаровнинг ўзига ишонib топширилган бўлимни бошқаришга вақти топилар.

Ф. ОВЕЧКИН.

● ШАҲАР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

СТАНЦИЯЛАРДА ТАРТИБСИЗЛИК

Ҳозирги кунда пойтахтимиз автомобилчиларига тўққизта автозаправка станцияси хизмат кўрсатмоқда. Бу станцияларда 89 та бензин ва 24 та ёғ билан таъминловчи колонкалар ўрнатилган. Моддий базанинг шундай етарли бўлишига қарамасдан шаҳарликларни нефть маҳсулотлари билан таъминлаш яхши эмас. Бу нарса шаҳар халқ контроли томонидан автозаправка станциялари ишини текшириб чиқиш вақтида маълум бўлди.

Кўнгилилар шуни аниқлашдики, станцияларда кўплаб колонкалар ҳар хил сабабларга кўра ишламаяпти. Жумладан 8-автозаправка станциясидаги 11 колонкадан учтаси, 13-автозаправка станциясида эса 14 колонкадан 4 таси ишламаётганлиги аниқланди. Айниқса, Красновосточная кўчасида жойлашган 16-автозаправкада харидорларга хизмат кўрсатиш жуда ёмон ташкил қилинган. Текшириш ўтказилган кунда бу ердаги мавжуд тўққиз бензин тарқатувчи колонкадан фақат учтаси ишлаётганлиги аниқланди. Яна тўрт колонка ҳисоблаш ускуналарининг йўқлиги туфайли ишламаётган эди. Яна икки колонка соз, ва етарли миқдорда бензин билан таъминланган бўлишига қарамасдан ишламаётганлиги аниқланди. Ваҳоланки, шу пайтда станция олдида қирқ автомобиль навбат кутиб турарди.

Станцияларда шунингдек, нефть маҳсулотларини олиш учун бериладиган талонларни тарқатиш ва уларни ҳисобга олиш ҳам яхши йўлга қўйилган эмас. Масалан, текшириш вақтида 11-автозаправка станцияси территориясида жойлашган 8-магазин сотувчиси Ҳошимов текширувчиларга талонларни кўрсатиш ўрнига текширувчилардан АИ—93 бензинни олишга рухсат берувчи бир даста талонларни яширишга ҳаракат қилди. Халқ назоратчилари томонидан нефть маҳсулотларини реализация қилиш ва сақлаш соҳасидаги бошқа камчиликлар ҳам аниқланди. Бундай камчиликлар кўпчилик автозаправка станция раҳбарлари, шунингдек, Тошкент нефть базасининг харидорларга хизмат кўрсатишни етарли даражада назорат қилмаётганликлар и р и, автозаправка станцияларини моддий таъминотини яхши йўлга қўймаганликлари оқибатидир.

Текшириш вақтида аниқланган камчиликлар шаҳар халқ контроли комитетининг йиғилишида жиддий муҳокама қилинди. Йиғилиш қарори билан айбдорларга қатъий чоралар кўрилди.

ФОТОЛАЙБНОМА

ЭСДАН ЧИҚАРИБ ҚЎЙИШДИ

Бундан ўн йилча муқаддам Октябрь бозорида 6-қурилиш трести нинг 70-қурилиш бошқармаси савдо марказини қура бошлаган эди. Қурувчилар дастлабки пайтларданоқ бу ерда хўжасизлик кайфиятига берилишди. Натижада фақат бинонинг деворларини тиклаш учун 900 минг сўм, яъни планда белгиланганидан анча кўп маблағ сарфланди. Қурувчилар бу айбларини ювиш ўрнига, объектдаги ишни ташлаб қўйишди. Давлатнинг минглаб мабла-ги кўнка совурилди. Қурилишда масъулиятсизлик кўрсатган раҳбарлар тартибга чақирилиши керак.

СУРАТДА: ўн йилдан буён «қурилаётган» объект анс эттирилган.


М. Нуриддинов фотоси.




● ФАКТЛАРНИ РАССОМ ШАРҲЛАЙДИ

СПОРТ ЗАЛИДА СОКИНЛИК

Ленин район халқ назоратчилари ўрта мактабларда социалистик мулкни сақланишн устидан текшириш ўтказишди. Бу ерда спорт залларидаги жиҳозлар етишмайди, уларнинг кўпи синган, тартибсиз сақланмоқда. Айниқса, 37 ва 53-мактабларда бундай тартибсизликлар авжга минган.





ЯШИРИН САВДО

Киров район халқ контроли комитетининг назоратчилари «Ташплодовощ» Киров тажриба-ўқитғурни савдо идорасига қарашли 17-магазинида совет савдоси қоидаси қўпол равишда бузилаётганлигини аниқлашди. Бу магазиннинг кўргазмасида жигардан тайёрланган паштет йўқ эди. Аммо сотувчи Б. Алметов уни харидорларга қимматроқ нархда пулларди.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

А. НАЗАРОВА: Меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотган ҳамда ҳомиладорлик отпускасига чиққан ишчи ва хизматчиларга қандай миқдорда нафақа тўланади?

Жавоб: Меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотган ишчи ва хизматчиларга касаба союз аъзолиги стажига қараб нафақа тўланади. Касаба союз аъзоси бўлмаганларга эса касаллик варақаси учун иш ҳақининг эллик процентн миқдорида нафақа тўланади.

Ҳомиладорлик ва туғиш отпускасига чиққан ишчи ва хизматчи аёлларга уларнинг касаба союз аъзоси ёки касаба союз аъзоси эмасликлари, меҳнат стажлари қанча бўлишидан қатъий назар иш ҳақининг юз процентн миқдорида нафақа тўланади.

** **

Н. ЮСУПОВ: Навбатдаги меҳнат отпускаси ва ўз ҳисобидан олинган отпуска вақтида бетоб бўлиб қолган ишчи ва хизматчиларга қандай тартибда нафақа тўланади?

Жавоб: Навбатдаги меҳнат отпускаси вақтида касал бўлиб қолган ишчи ва хизматчиларга касал бўлиб қолган вақти учун уларнинг касаба союз аъзолиги стажига қараб нафақа тўланади. Отпуска узайтирилади ёки бошқа муддатга кўчирилади.

Ўз ҳисобидан олинган отпуска вақтида бетоб бўлиб қолган ишчи ва хизматчиларга нафақа тўланмайди.

Э. ҚУРБОНОВ, Тошкент область маданият ходимлари касаба союзлари комитетининг ишончли врачи.

* * *

А. РУСТАМОВ, М. РАҲИМОВА: Бир корхона ёки ташкилотда ишлаб ўша ердан квартира олган ишчи ёки хизматчи иш жойини ўзгартирса, унинг эгаллаб турган квартираси масаласи қандай ҳал қилинади?

Жавоб: Ўзбекистон ССР Гражданлик кодексининг 369-модасига биноан: ...Ўз хоҳиши билан ишдан бўшаши муносабати билан меҳнат фаолиятини тўхтатган ишчи ва хизматчилар бошқа турар жой майдони берилмасдан, ўзлари эгаллаб турган квартиралан суд йўли билан чиқариб юборилади-лар.

∴ ∴ ∴

М. ТЎЛАГАНОВА: Шаҳримизда сервантларни ремонт қиладиган жой бор экан. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Маиший хизмат кўрсатиш ва мебель комбинатининг ойна цехида Сиз сервантингизни ремонтдан чиқаришингиз мумкин. Бу цех иккинчи Кафанов проезди, 10-уйда жойлашган. У Госпиталь бозори атрофидадир.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТУЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Бу тасодифнинг юз беришига 23-турар-жой конторасининг слесари Н. Губин ва 84—75 ТНР рақамли «ЗАЗ—968» автомобилининг ҳайдовчиси А. Гордоделовлар сабаб бўлишди. Ҳайдовчи машинани 1/2 Қорақамиш массиви бўйлаб ҳайдаб бораётганида иш қилаётган Губинни сезмай қолди. Шунинг учун ҳам хавфнинг олдини олиш чораларини кўрмади. Натижада машина Губинни тўртиб кетди. У асфальтга йиқилиб, жароҳатланди ва 17-шаҳар касалхонасига келтирилди.

Йўл ҳаракати қоидасининг 73-банди талабини бузганлиги учун А. Гордоделов Давлат автомобиль инспекциясининг маъмурий комиссиясига жўнатилди.





Чапдаги суратда— СССР халқ артисти Тамара Макарова (чапдан иккинчи) киноанжуман қатнашчилари даврасида.

* * *

Юқоридаги суратда— Халқаро кинофестиваль қатнашчилари шаҳримиз билан танишмоқдалар.

Н. Муҳаммаджонов ва М. Нуриддинов фотолари.

V ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛЬ ТОШКЕНТ-78

INTERNATIONAL FESTIVAL OF FILMS FROM ASIA, AFRICA AND LATIN AMERICA TASHKENT May 23 to June 1, 1978

ТИНЧЛИК, СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАЛҚЛАР ОЗОДЛИГИ УЧУН

ШАҲРИМИЗДА Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари V Халқаро Тошкент кинофестивали давом этмоқда. Анжуманга келтирилган асарлар намойиш этилиб, фестиваль қатнашчилари унутилмас соннялар қувончи билан яшаётган шу кунларда мухбиримиз Ўзбекистон Кинематографчилар союзи правленнесининг биринчи секретари, СССР халқ артисти Малик Қаюмов билан учрашиб, таниқли санъат арбобига бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Шу кунларда қизғин давом этаётган V Халқаро Тошкент кинофестивалини ўзига хос юбилей анжумани деса бўлади. Сиз ўтган киноанжуманлар қатнашчиси сифатида Тошкент кинофестивалларининг киносанъати тараққиётидаги аҳамияти ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Тошкент фестивалларининг ўтказилиши яхши самарали анъана бўлиб қолди. Ҳаммага маълумки, уч қитъа кино усталарининг учрашувлари дўстлик ва ижодий ҳамкорлик муҳитида ўтмоқда. Бу учрашувлар планетада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқларнинг ижтимоий ва маданий равожланиши, миллий мустақиллик ва демократия учун кураш вазифаларига мос бўлиб тушмоқда. Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги тараққийпарвар санъат арбоблари ўртасидаги, дунёдаги барча мамлакатлар кинематографиячилари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев V Халқаро Тошкент кинофестивали қатнашчиларига ва меҳмонларига йўллаган табрикномасида. Чиндан ҳам шундай.

Тошкент кинофестивалларн «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» деган эзгу шиор остида ўтмоқда. Фестиваль экранида намойиш этилаётган асарлар ҳам моҳиятан шу мазмундадир. Мадомики шундай экан, ҳар бир фестиваль қатнашчиси анжуман кунлари шу руҳда яшайди! Ва бу эзгу руҳ унинг кейинги асарларида юзага чиқади.

Анжуманда япониялик кинематографлар тўққизта бадиий ва учта ҳужжатли фильмларн билан қатнашмоқда. Уларнинг асарлари ичида менинг эътиборимни тортгани «Сайёраларо уруш» фильми бўлди.

Асарда асосан сайёраларо учувчи ракета, уни яратишдан воз кечган улкан олим, ниҳоят шу олим томонидан ракетанинг яратилиши ана шундан кейин ерликлар билан марсликлар орасидаги қизғин жанглар, ракетанинг тинч аҳоли яшайдиган шаҳар ва қишлоқлар устида портлаши ҳақида ҳикоя қилинади. Фильм олимнинг фожиаси билан тугалланади.

Фильм режиссёри томомошабинни уруш хавфининг олдини олишга, тинчлик йўлидаги курашга даъват этади. Тошкент кинофестивалининг асосий шиори ҳам шу-ку! Мен бу ўринда анжуманимиз шарофатидан далолат берувчи бир мисол келтирдим холос.

Бизнинг интервью

Унутилмас дақиқалар қувончи

«Ўзбекфильм» киностудияси фестивалга тортиқ этган «Муҳаббат ва нафрат» фильми ҳақида тўлиб-тошиб, узоқ сўзлаш мумкин. Р. Ботиров, Ж. Ристич суратга олган бу ажойиб асар ҳам Ўзбекистонлик ва югославиялик (Югославия Социалистик Федератив Республикасининг «Сутьеска-фильм» киностудияси) кинематографчиларнинг ҳамкорлигида юзага келди.

— Куни-кеча V Халқаро Тошкент кинофестивали ҳужжатли фильмлари кўриги сизнинг «Паранжи» асарингиз намойиши билан очилди. Шу асарингизнинг яратилиши ҳақида ҳикоя қилиб берсангиз.

— Ҳақиқатан ҳам ҳар бир асарнинг ўзига хос яратилиш тарихи бўлади. Мен «Паранжи» фильмига улуғ инқилобимизнинг қутлуғ 60 йиллиги кезлари киришганман. Бу фильм моҳият эътибори билан олиб қаралса, инқилоб мавзуида. инқилобни улуғлайдиган асардир. Унда Улуғ Октябрь социалистик революциясигача зулм ва ҳўрликлар кўрган, паранжига қўмилиб яшаган ўзбек аёлининг совет замонидаги бахтиёр ҳаёти улуғланади.

— Кейинги икки фестиваль орасида яратган «Мирзачўл», «Тошкент билан учрашув» асарларингиз асосан шу мавзуда шекилли?

— «Паранжи», «Мирзачўл», «Тошкент билан учрашув» фильмлари чин моҳият билан бир-бирига ҳамоҳанг. Бу асарларда, асосан Улуғ Октябрь социалистик революциясининг буюк самаралари улуғланади. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг: куни-кечагача сақроий азим бўлган Мирзачўлни бугун боғ-роғларга, кенг пахтазорларга айлантирган чўлқувар баҳодирларни олқишламай бўладими! Улар амалга ошираётган улкан ишларни бутун дунёга кўз-кўз қилса арзийди. Биз шу ниятда Ленин мукофоти лауреати Константин Симонов, Ҳамза мукофоти лауреати Ҳамид Ғулом билан ҳамкорликда «Мирзазўл» фильмини яратдик.

«Тошкент билан учрашув» фильми эса кўркам шаҳримиз. Тошкент фестивалларн ҳақида ҳикоя қилади.

— Сиз шу кунларда Тошкент кинофестивалида қатнашаётган бир қатор Осиё ва Африка мамлакатлари ҳақида ҳам асарлар яратгансиз. Шу ҳақда ҳам гапириб берсангиз.

— Ҳа, мен турли йилларда бир қатор қардош шарқ мамлакатлари ҳақида, уларнинг турмуши, бугуни ва келажаги ҳақида ҳикоя қилувчи қатор асарлар яратганман. Бу мамлакатлар билан биз азалдан дўст ва ҳамниҳатмиз. Битта маслак йўлида курашмоқдамиз: «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун». Шу кунларда тантанали равишда ўтаётган Тошкент анжуманининг асосий шиори ҳам шу! Ўйлайманки, бу Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг V Халқаро Тошкент кинофестивали дунёда тинчлик учун олиб бориладиган курашда янги саҳифа очади.

Суҳбатни **Г. ҲОТАМОВ** ёзиб олди.

Сўз—фестиваль қатнашчиларига

ЁРҚИН ТААССУРОТ

Шабона АЗМИ, Ҳиндистон, актриса

Тошкент кинофестивалида биринчи марта қатнашиш шарафига муяссар бўлганлигимдан ўзимни ғоятда бахтиёр ҳисоблайман. Бу шаҳар ҳақида, унинг меҳмоннавоз кишилари тўғрисида кўп эшитганман ва ўқиганман. Бу ерга қадам қўйишим билан кишиларнинг меҳрибонлиги қалбимни тезда мафтун этди. Бу ерда ўзимизни ўз уйимиздек юргандек ҳис этяпмиз. Меҳмоннавозлик ва самимий муносабатларнинг чеки йўқ.

Тошкент фестивали бошқа халқаро киноанжуманлардан ўз олдига қўйган мақсади ва моҳияти билан кескин фарқ қилади. Бу фестивалнинг экрани Тошкент синғари саховатли ва кенгдир. Чунки бу ерда жуда кўп мамлакатларга ўз фильмини намойиш этиш ҳуқуқи берилган. Бу ерда фильмларнинг конкурси ўтказилмайди. Балки фестиваль шиорига келадиган фильмлар завқ билан кўрилади, санъаткорларнинг маҳоратига ва истеъдодига муносиб баҳо берилади.

Ҳинд санъаткорлари фестивалга олиб келган фильмлар орасида «Эки Раста», «Фақира», «Сизлар билан бирга» деган картиналар бор. Мен бу уччала картинада ҳам иштирок этганман. Учинчи фильм Ҳиндистонда муваффақият қозонди. Бир неча кўрикларда қатнашиб муносиб тақдирланди. Унда бир аёл кишининг вафодор эридан ажралиши, бошидан кечирган оғир мусибатлари, узоқ согинчлари ва ниҳоят ўша вафодорининг қалбига йўл топиб ўз ҳаётини қайта тиклаши ҳикоя қилинади.

ЭКРАНДА САМИМИЙ УЧРАШУВ

Эивер ГАСАНОВ, Озарбайжон ССР, киноартист.

Озарбайжон республикасининг санъат вакиллари Тошкент кинофестивалига «Дарвиш Парижни портлатади» деган киноленте билан келишди. Ана шу лентага Озарбайжон классик адабиётининг йирик намояндаси М. Охундовнинг «Алхимик— Мусье Жордан ва дарвиш Мастали шах» комедияси асос қилиб олинган. Бу асарда Озарбайжоннинг ўтмишидаги феодаллар устидан қатиқ қулинади ва уларга қарши олиб борилган кураш ҳамда халқнинг тараққиёти акс эттирилади. Кинорежиссёр Шомил Маҳмудов суратга олган ушбу картинада таниқли артистлардан Сергей Юрский, Одил Искандаров, Гасан Турабов, Лейло Бедербейли ва бошқалар қатнашишган. Менимча, экран қаҳрамонлари, бу фильмнинг яратувчилари билан томошабинларнинг учрашуви талай қувончли дақиқаларни бахш этмоқда. Мен бу кинофестивалга режиссёр Шомил Маҳмудов ва Озарбайжон ССР халқ артисти, республика Давлат мукофотининг лауреати Лейло Бедербейли билан биринчи марта келдим. Тошкент кинофестивалида кино арбоблари билан бўлган учрашувлар ва фестиваль программасига киритилган фильмлар менда ёрқин таассурот қолдирмоқда.

Тошкент — серқуёш Ўзбекистоннинг пойтахти бўлиш билан бирга Совет Иттифоқининг энг чиройли шаҳарларидан биридир. Бу шаҳарни тинчлик ва дўстлик шаҳри деб биламан. У ижодий муносабатларни янада кенг қулоч ёйишида. турли мамлакатлар кинематографчилари билан тажриба алмашишда жуда қулай жой бўлиши билан бирга муносиб воситадир.

• *Хушхабарлар*

КЎЧМА ОМБОРЛАР

Қўқон «Большевик» заводи чиқараётган маҳсулот турлари орасида янги ном—сочиладиган материаллар учун кўчма йиғма металл омборлар пайдо бўлди. Омбор бинолари саноқли соатлар ичида керакли жойда бевосита монтаж қилинади ва уларни бир жойдан иккинчи жойга осонгина кўчириш мумкин.

Корхона коллективи шу йилнинг ўзидаёқ олтита кўчма омборхона тайёрлайди.

ЧИҚИНДИЛАРДАН ДАРОМАД

«Узбекистровля» нинг Поп комбинатида кенг истеъмол буюмларининг дастлабки туркуми — ҳужжатларни тикиб қўйиш учун керак бўладиган картон папкалар чиқарила бошланди. Асосий ишлаб чиқариш чиқиндилари янги маҳсулотга хом ашё бўлди.

Мутахассисларнинг ҳисобларига қараганда, бу янгилик корхонага бир йилда қарийб 100 минг сўм даромад келтиради.

ХИВА АТРОФИДА ДАМ ОЛИШ ЗОНАСИ

Хива атрофидаги дам олиш зонасини хивaликларнинг ўзлари ҳашар қилиб қурдилар. Шаҳарликлар Гўкўлнинг хушманзара соҳилида ишдан бўш вақтларида пляж барпо этдилар. Спорт майдончалари, стол ўйини ҳавасқорлари учун бостирма, болалар ўйнайдиган жойларни барпо этдилар. Бу ерда спорт ашёлари ва қайиқларни ижарага берадиган пунктлар, савдо магазинлари ишлаб турибди.

МАҲСУЛОТ ТУРИ ТЎЛДИРИЛДИ

Шаҳрисабз консерва заводи ровочлан компот чиқаришни ўзлаштирди. Савдо шоҳобчаларига ана шу маҳсулотдан 12 минг банкаси жўнатилди. Завод бу йилги мавсумда 60 номдаги компот, шарбат, салат тайёрлаб чиқаради.

ҚЎРИҚ ЕР КАНАЛИ

Қашқадарёнинг ўнг соҳилига ер қазийдиган техника келтирила бошланди: 36 километрлик янги канал шу ердан бошланади, бу канал Коссон районининг қўрик ерларини сувга кондириш имкониятини беради. Шу йилнинг ўзидаёқ бу канални ишга тушириш мўлжалланмоқда. Қорабайир сув омбори сувни бир маромда оқизишга ёрдам беради.

(ЎзТАГ).

• *Ҳикмат—бир ҳовуч олтин*

ЯХШИЛАР ФАЗИЛАТИ ҲАҚИДА

◆ Бировнинг қалбида сенга нисбатан муҳаббат ёки адоват борлигини билмоқчи бўлсанг, аввал ўз қалбингга боқ. Агар қалбингда унга нисбатан муҳаббат бўлса, муҳаббат, агар адоват бўлса—адоват туғилади.

◆ Тўрт нарса улугликка даъват этади: илмни эъзозлаш, ёмонликни яхшилик билан бартараф қилиш, газабни ютиш, саволга дилдан жавоб бериш.

◆ Фарзандларни сабр-тоқатли, муҳаббатли қилиб тарбият этсангиз ширин меваснни оласиз.

◆ Ақлли одам соғлом пайтида ҳам соғлигини ўйлайди.

◆ Бахиллик тузалмайдиган ва ўз-ўзини тубанликка ташлайдиган иллатдир.

◆ Ҳожатингизни мард одамлардан сўранг, одамларга қўлдан келганча яхшилик қилинг.

Байт:
Кишн ҳанзал экса, аччиқ бар топар,
Ва гар най шакар экса, шакар топар.
(А. Навоий).

◆ Сахий одам душманлик ва адоватдан қочган, ўз қалбида муҳаббатга йўл очган бўлади. Сахий киши мисдан ясалган кўзага ўхшайди, тез тайёрланади-ю, аммо узоққа етади.

◆ **ҲИКОЯТ** — Анушервон ҳукмронлиги даврида икки дарвеш унинг саройига келибди ва улардан бири баланд товуш билан:

— Ёвузлик кўрмайин десанг ёвузлик қилма, — дебди.

Иккинчиси:

— Яхшилик қилган кишн ҳамиша яхшилик кўргай! — дебди.

Анушервон амри билан биринчисига минг динор, иккинчисига икки минг динор беришибди. Бу ҳолни кўрган мулозим ва надимлар Анушервондан:

— Иккаласининг ҳам сўзи бир маъноии ифодалайди-ку, нега икки хил мукофот бердинг?— деб сўрашибди.

Анушервон шундай жавоб берибди:

— Бири ёмонликни мадҳ этди, иккинчиси яхшиликни. Яхшилар билан дўсту-ҳамсуҳбат бўлишдан яхши ва ёмонлар билан ҳамнишину ҳамтовоқ бўлишдан ёмон иш борми дунёда!

◆ Қўлдан кетган ва йўқолган нарсага зинҳор қайғурманг.

◆ **ҲИКОЯТ:** — Бир вақт Миср фиръавни Псамметих бир мунча аскари билан форс подшоси Камбизага асир бўлиб тушди. Бир куни қараса, унинг қизи чўрилар киядиган либосда сув олиб кетаётир экан. Бу воқеани кўрган Псамметихнинг яқин кишилари йиғи-сиғи қилишди, лекин фиръавнинг ўзи эса индамай ерга тикилганича, қимирламасдан туриб қолди. Шундан кейин унинг олдидан ўғлини дорга осиш учун олиб ўтдилар. Псамметих эса шунда ҳам ўзини йўқотмай, боягидек жим тураверди. Ниҳоят унинг кўзи асир дўстига тушиб қолди ва шундагина бошига уриб, дод-фарёд кўтарди. Бу аҳволни кўрган Камбиза таажжубланиб, Псамметихдан сўради:

— Нега ўғил ва қизингизнинг шундай фожиали аҳволини кўриб индамай турдингиз, асирдаги дўстингизни кўриб дод-фарёд қилдингиз?

Бунга жавобан Псамметих шундай жавоб берди:

— Шунинг учунки, фақат кейинги ҳолни кўз ёши билан ифода қилиш мумкин, бироқ аввалги икки фожиани эса ифода қилиш учун ҳеч қандай усул йўқ!

◆ Бир нодон бир шода марварнднни денгизга сочиб юборса, уни олиб чиқишга минг дono қийналади.

◆ Кимки бадфеъл ва бадқовоқ бўлса, ҳамма унга душманга қарагандек назар билан қарайди. Кимки хушфеъл ва хуштавозе бўлса, ҳамма уни ака-укадек севади.

◆ **ҲИКМАТ:** Донолар айтибдики, яхшилик ўн хислатда намоёндир. Биринчи—кўпчилик билан бирор ишда мухолифлик қилмасликда. Иккинчи — инсофли бўлишда. Учинчи — бировларнинг орқасидан гапириб юрмасликда. Тўртинчи — ёмонлик қилганларга яхшилик қилишда. Бешинчи — гуноҳкор узр сўраса, авф этишда. Олтинчи — муҳтожлар ҳожатини чиқаришда. Еттинчи — кўпчилик гамига шерик бўлишда. Саккизинчи — ўз айбини билиб, унга иқрор бўлишда. Тўққизинчи — одамлар билан ҳамиша очиқ юзли бўлишда. Ўнинчи — ҳамма билан ширин муомала қилишда.

◆ Жон саломатлигини ўйлаган киши тилига эҳтиёт бўлади.

◆ Дўст ва душман ҳақида номуносиб гапларни айтиб юриш нодонлик белгисидир.

◆ Бир олим шундай деган экан:

— Нодонга нодонлигн туфайли тил тегкиза кўрма! Акс ҳолда сендан ибрат олиб, сени душман ўрнида кўради.

◆ Нодонлардан узоқлашиб, яхшиларга ҳамнишин бўл!

Т. РАСУЛЕВ тайёрлаган.

МАКТАБ ҲАЁТИДАН

БОЛАЛАРИМИЗ МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ ЧИҚАРАДИ

Бу йил Ўзбекистоннинг хушманзара жойларида барпо этилган ўнта типовой пионер лагери дастлабки дам олувчиларни қабул қилишга тайёр. Бир неча кундан сўнг бу лагерларда пионер горнларининг садолари, болаларнинг қувноқ овозлари янграйди. Ишчи, хизматчи, колхозчиларнинг болалари бу лагерларнинг эгаларидир.

Ўзбекистон касаба союзлари Советининг берган маълумотларига кўра, бу йил республикада 366 та пионер лагери ишлаб туради, уларда 350 мингдан зиёд мактаб боласи дам олади. Бу эса ўтган йилдагига нисбатан 40 минг бола кўпдир. Юқори синф ўқувчилари дам олишининг нисбатан янги кўриниши янада ривожлантирилади. Республикадаги 159 та сабзаворчилик ва боғдорчилик узумчилик колхоз ва совхозларининг барчасида махсус меҳнат ва дам олиш лагерлари ташкил этилмоқда. Бу лагерларда ўсмирлар тўрт соат ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланадилар, қолган вақтда одатдаги соғломлаштириш лагерларидагидек ҳордиқ чиқарадилар.

Санаторий типидаги лагерларда 28 мингдан зиёд ўқувчи ўз саломатлигини тиклайди.

Бир миллиондан зиёд пионер ва ўқувчи ёзги каникуль даврида Ленин бўлган жойларга ва қаҳрамон шаҳарларга, Ўзбекистоннинг революцион жойларига туристик юришлар ва экскурсиялар қиладилар. Энг яхши туристик базалар юқори синф ўқувчиларининг ихтиёрига топширилади.

МАИШИЙ ХИЗМАТГА ЯНГИ ТЕХНИКА

Республика маиший хизмати ГДР машинасозларидан совға—кийимкечакни автомат тарзда химиявий тозалайдиган саккиз комплект машина-ускуна олди. Ўзбекистоннинг турли шаҳарлари ва районларида 60 дан ошиқ шундай комплектлар ишлаб турибди. Улар буюртмаларни тез ва сифатли бажариб беради.

Тошкентда гилам тозалайдиган серунум поток линия монтаж қилиб битказилмоқда. Бундай линиялар Москва, Ленинград, Ашхободдагина бор эди. Тошкентдагиси тўртинчи бўлади. Линия бир соатда 200 квадрат метр гилам тозалаб чиқаради.

Тошкент химчистка фабрикаси Венгрия машинасозлари тайёрлаган гилам ва юмшоқ мебель тозалайдиган оригинал ихчам установкалар олди. Бу установкани бир киши бемалол кўтара олади. Шундай ускуна ёрдами билан бевосита буюртмачининг квартирасида гилам ва мебель тозалаш ташкил қилинмоқда. Фабрикада бошқа хил янгиликлар ҳам пайдо бўлди— пар тозалайдиган машина монтаж қилинмоқда, кийим-кечакни антистатик қиладиган, уларни кўздан сақлайдиган махсус химикатлар ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

(ЎзТАГ).

Жаҳон оинаси

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР


Шахдам одим

ПРАГА. 1977—1978 йилларда ЧКП аъзолари ва аъзоликка кандидатларининг сони 156 минг кишн кўпайди ва ҳозирги вақтда партия сафларида қарийб бир ярим миллион кишн бор. Чехословакия Коммунистик партияси Чехословакия жамиятининг энг илғор қисмини ўз сафларида бирлаштира туриб, ЧССРда ривожланган социалистик жамият барпо этишда ўзининг раҳбарлик ролини муваффақиятли амалга оширмоқда, меҳнаткашлар оммасининг диққат-эътиборини ЧКП XV съездининг қарорларни бажаришга қаратмоқда. ЧКП, СССР ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар билан биргаликда халқаро кескинликни юмшатишга, қуролланиш пойгасини тўхтатишга, турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг халқлари ўртасида ишончи ва ҳамжиҳатлик ўрнатишга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатни ўтказмоқда.

Бошланғич партия ташкилотлари партия сафларини сон жиҳатидангина эмас, шу билан бирга сифат жиҳатидан ҳам ўстиришга катта эътибор бермоқда. Партия сафларининг синфий структураси ҳам сезиларли даражада ўзгарди. Ҳозирги вақтда ЧКП сафларига янгидан қабул қилинган кишиларнинг тахминан 65 процентн ишчи ва деҳқонлардир.

Айни вақтда олий ва ўрта маълумотли партия аъзолари ҳамда аъзоликка кандидатларнинг салмоғи ҳам ўсмоқда. Ҳозирги пайтда партия сафига кираётган ҳар ўн кишидан бири тўлиқ ўрта маълумотга эга.

«Руде право» газетасининг таъкидлашича, ЧКП кучли ва ғоявий жиҳатдан жипслашган партияга айланди.



Фотообъектнвда— Ангола. Луанда— Ангола Халқ Республикасининг пойтахти ва энг катта порт шаҳарларидан биридир.
СУРАТДА: шаҳарнинг Улуғ Октябрь номли проспекти.

В. Соболев фотоси, ТАСС фотохроникаси.

«ИНТЕРЛИХТЕР»

БУДАПЕШТ. Бу ерда «Интерлихтер» деб аталган халқаро кемачилик корхонасини ташкил қилиш тўғрисидаги битим имзоланди. Бунда Болгария, Венгрия, Совет Иттифоқи ва Чехословакия иштирок этади.

«Интерлихтер»нинг тузилиши тўрт социалистик давлатнинг денгиз ва Дунай кемачилигида мустаҳкам ҳамкорлиги натижаси, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар иқтисодий интеграциясини кенгайтириш ва чуқурлаштириш йўлида қўйилган янги қадамдир.

ЯНГИ ҚИШЛОҚЛАР

БАҒДОД. Ироқда замонавий қишлоқлар қуриш тўғрисидаги ҳукумат программаси муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтгача республика шимолидаги Дохун вилоятининг ўзидагина 11 та ана шундай қишлоқ барпо этилди. Бу қишлоқларда ҳаммаси бўлиб барча коммунал қулайликлари мавжуд бўлган қарийб 2,5 мингта уй қурилган. Давлат ана шу программани амалга ошириш учун 5 миллион ирок динори ажратган.

41 СССР ЧЕМПИОНАТИ

ҒАЛАБА ЯҚИН ЭДИ...

Агар турнир жадвалига синчиклаб назар ташлагудек бўлсак футбол бўйича олий лига командалари баҳсида бир неча характерли фактларга дуч келамиз. Биринчи навбатда кўзга ташланадиган нарса натижаларнинг бир-бирига жуда яқинлигидир. Масалан, ўтган саккиз турдан кейин бирданига олти команда, шу жумладан «Пахтакор» 9 очко тўплаб турнир жадвалининг тўртинчи-тўққизинчи ўринларини эгаллаб туришарди. Яна тўрт команда активида эса бир-икки очко кам эди. Айни пайтда пешқадам командалар ҳам бу командалардан унчалик олислаб кетишмаган эди. Тбилисилик динамочиларнинг активида 12, МАСК ва «Черноморец» командаларнинг активида ўнтадан очко бор эди.

Кўриниб турибдики биринчилик баҳслари қизғин тус олиб бормоқда. Агар бирор команда муваффақиятсизликка учраса у дарҳол турнирда сўнгги ўринларга тушиб кетиши аниқ. Шунинг учун ҳам ҳар бир учрашув рақибларнинг ўз майдонида ёки ўзгаларнинг майдонида ҳаракат қилаётганликларига қарамасдан ниҳоятда кескин кураш вазиятида ўтмоқда. Чунки ҳар бир команда имконятни иложи борича қўлдан чиқармасликка ҳаракат қиляпти.

Шу жиҳатдан олиб қараганда «Пахтакор»нинг «Черноморец» командаси билан беллашуви ҳам қизиқарли бўлди. Бу учрашувда биз майдон яхши ўйин кўрсатиш учун асосий факт эмаслигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Ҳар қандай шароитда ҳам ўз услубига амал қилиш, майдонда тез ва эпчил ҳаракат қилиш муваффақият гарови эканлигига тушундик. Меҳмонлар Тошкентда ўтказилган учрашувда ана шу хислатларни тўла намойиш қилишди. Бу билан улар мамлакат биринчилигида ҳозир шунчаки пешқадамлик қилмаётганликларини кўрсатишди. Тўғри, «Черноморец» командасининг футболчилари учрашувни жуда эҳтиёткорлик билан бошлашди. Улар даставвал ҳимоя аҳамият беришди. Ўзларининг жарима майдонларида 8—9 ўйинчи билан пахтакорчиларнинг ҳужумларини эпчиллик билан бартараф қилиб туришди. Улар асосан тошкентликларнинг ярим ҳимоячилари Михаил Ан ва Владимир Макаровларнинг ҳаракатларига алоҳида аҳамият беришди. Ҳар қандай йўл билан уларнинг ҳаракатини чеклаб туришди. Устимчик ва Лешчуклар ҳақиқатдан ҳам «Пахтакор»нинг ярим ҳимоячиларига ўйин беришмади. Шунинг учун ҳам асосий диспетчерлик ролини А. Корченов ва К. Бакановлар ўз зиммаларига олишди. Дастлабки хавфли вазият «Черноморец» командасининг дарвозаси олдида тахминан ўн бешинчи минутда вужудга келди. Ҳужумга етиб келган Корченов икки ҳимоячини алдаб ўтиб жарима майдонига кирди. Лекин у тўпни дарвозага йўллай олмади.

Биринчи бўлимда шунингдек К. Бакановнинг жарима майдонига катта тезликда кириб келганлиги ҳам нишкибозларнинг хотирасида сақланиб қолди. У икки ҳимоячини алдаб ўтиб жарима майдонига кирди, лекин дарвозани аниқ нишонга ололмади. Чуркин жарима белгисидан тепган тўп дарвоза тўсини олдидан ўтиб кетди.

Меҳмонлар ҳам бир неча марта қарши ҳужум уюштиришга муваффақ бўлишди. Шевченко, Плоскина «Пахтакор» дарвозаси олдида хавфли вазиятлар вужудга келтиришди. Эсебуа кучли зарб билан тепган тўп дарвозага тушишга оз қолди.

Биринчи бўлимдаги ўйиннинг бориши денгизчилар тошкентлик футболчилар учун энг ноқулай рақиб экани кликларини яна бир бор тасдиқлади. Ахир бу командалар ўртасида бўлиб ўтган дастлабки 16 учрашувнинг бештасида одессаликлар, учтасида тошкентликлар ғолиб чиқишган эди. Тўплар нисбатига кўра ҳам денгизчилар олдинда эдилар — 14:17.

Биринчи бўлимдан сўнг майдонда ўртача тезликда ҳаракат қилиш меҳмонларга қўл келаётганлиги аниқ бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам учрашувда жиддий ўзгариш ясаш учун «Пахтакор» тезликни ошириши ва рақибларини хатога йўл қўйишга ундаши лозим эди. Тошкентликлар иккинчи бўлимнинг бошланиши биланоқ ана шундай мақсадни амалга оширишга киришдилар.

«Черноморец» командасининг дарвозаси олдида кетма-кет хавфли вазиятлар вужудга кела бошлади. Майдон эгалари айниқса чап қанот бўйлаб эркин ҳаракат қилиша бошладилар. Бу қанотда ҳужумчиларга ёрдам бераётган Константин Баканов жуда эпчиллик билан ҳаракат қиларди. У учрашувнинг 47-минутида жуда хавфли вазият вужудга келтирди. Баканов тўпни майдон марказида қабул қилиб олиб, жуда катта тезликда меҳмонларнинг дарвозаси томон яқинлашиб келди ва тўпни дарвоза чизиғи бўйлаб йўналтирди. Тўпга тошкентликларнинг энг яхши ҳужумчиси Владимир Федоров биринчи бўлиб етиб келди ва уни зарб билан дарвозага йўналтирди — 1:0.

«Пахтакор» ҳужумни давом эттирди. Ҳатто Загуменных, Аширов, Убайдуллаевлар ҳам ҳужумчиларга ёрдам бера бошлашди. Худди шу минутларда биз «Пахтакор»нинг ўзига хос услубда ўйин кўрсатишининг гувоҳи бўлдик. Бундай пайтларда команда чаққонлик, эпчиллик билан ҳаракат қилиб рақибларини тезликага тушириб қўйди. Тошкентликлар бу учрашувда ғалаба қучишларига оз қолган эди. 53-минутда Михаил Ан ва Виктор Чуркинлар чиройли комбинация ишлатиб шиддатли ҳужум уюштиришди. Ан катта тезликда жарима майдонига кириб борди. Шу пайт ҳимоячилар уни чалиб йиқитишди. Судья М. Мкртчан 11 метрли белгини кўрсатди.

Тўпга В. Макаров яқинлашди. У аввал ҳам икки марта жарима белгисидан дарвозани нишонга олишга муваффақ бўлган эди. Аммо бу сафар у дарвозани аниқ нишонга ололмади. Тошкентликлар қулай имкониятни қўлдан бой беришди. Агар бу учрашувда ғалабага эришганида ҳамшаҳарларимиз денгизчилар билан бўлган ўзаро ҳисобларини яхшилаб олишга эришган ва турнир поғонасида бир неча поғона юқорига кўтарилган бўлишарди.

11 метрли жарима тўпини дарвозага йўллай олмаслик «Пахтакор» ўйинчиларига салбий таъсир қилди. Улар ҳисобни сақлаб қолиш ниятида ўйин суръатини сусайтириб юборишдилар. Меҳмонлар эса аксинча, ҳужумни кучайтира бошлашди. Улар пахтакорчиларни деярли ўз майдонларидан чиқармай қўйдилар ва турли мисофалардан туриб мезбонлар дарвозасини нишонга ола бошлашди. Ҳужумни бартараф қилиш ниятида тўпни дуч келган томонга тепиш билан машғул бўлган тошкентликлар хатоларга йўл қўя бошладилар. Шундай хатолардан бири дарвозанинг нишонга олинишига сабаб бўлди.

Учрашувнинг тугашига беш минут қолганида меҳмонлар жарима тўпи тепиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Тўп жарима майдонига йўналтирилди. Унга биринчи бўлиб Соколовский етиб келди ва дарвозага йўлланди. «Пахтакор»нинг ҳимоячилари ва дарвозабон Чечетин қўпол хатога йўл қўйишди. Ҳисоб тенглашди — 1:1.

Шу куни мамлакатимиздаги турли шаҳарларда футбол бўйича СССР биринчилиги олий лига командаларининг навбатдаги тўққизинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Айниқса «Қайрат»нинг — «Динамо» (Тбилиси) командаси билан бўлган учрашуви катта қизиқиш уйғотди. Бу ерда грузиялик футболчилар яхши ўйин кўрсатиб, майдон эгаларини 2:1 ҳисобида енгишга муваффақ бўлишди. Тўплардан бирини мезбонларнинг дарвозасига тбилисиликларнинг энг яхши ҳужумчиси Ромаз Шенгелия киритди. Унинг рақиблар дарвозасига йўллаган тўпи олтитага етди. Владимир Федоров ҳам дарвозага ўзининг олтинчи тўпини киритган.

Кескин беллашувда спартакчилар Москванинг «Локомотив» командаси футболчиларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Шахтёр» — «Арарат» — 2:0, «Днепр» — «Нефтчи» — 3:1, «Зенит» — «Заря» — 1:1.

Тошкентлик футболчилар навбатдаги учрашувни 3 июнда Ворошиловградннг «Заря» командаси билан ўтказадилар.

Э. АВАНЕСОВ.

«ПАХТАКОР» ҲАҚИДА 15 ФИКР

Анатолий ЗУБРИЦКИЙ,
«Черноморец» командасининг катта тренери, спорт мастери, Украина ССРда хизмат кўрсатган тренер.

— Мен бир минутга ечиниш хонасига кириб ўнгитларни қийин ва фахрли дуранг натижа билан табриклаб чиқаман,— деди одессаликларнинг катта тренерн. — Кейин ҳузурингизга етиб келаман ва «Тошкент оқшоми» газетасининг анъанавий саволларига жавоб бераман.

Ҳақиқатан ҳам у «Черноморец» футболчилари бир-бирини табриклаётган хонада узоқ бўлмади. Меҳмонлар ўйин тугашига беш минут қолганда ҳисобни тенглаштирганлари, дан гоят мамнун эдилар.

— «Пахтакор»ни узоқ вақтдан буён биламан. Айтиш мумкинки, бу команда билан тошкентликлар олий лигада қатнаша бошлаган йилдан буён танишман. Шунга қарамасдан ўзбекистонликларнинг ҳозирги қомандаси билан бутунлай таниш эмасман. 1973 йилдан 1976 йилга қадар футбол мантабининг директори бўлиб ишладим. Ташвиш ва вазифаларим ҳам бошқача эди. Шунинг учун ҳам пахтакорчиларнинг ўйинларини кузатиб бориш имконига эга эмас эдим. Бунинг устига тошкентликлар кейинги икки мавсумда, «Черноморец» эса 1973 йилда олий лигада ўйнамаган эдилар.

Узоқ танаффусдан кейин мен тошкентликларнинг ўйинини Қора денгиз бўйида, шу йилнинг баҳорида кўришга муваффақ бўлдим. Бу эса менинг «Пахтакор» билан иккинчи бор танишишим эди. Шу боисдан ҳам менинг фикрларим ўта хусусий бўлиши мумкин. Чунки улар кейинги икки учрашувда кўрган ўйинларим ва чиқарган хулосаларимга асосланади. Агар фикрларимда ноаниқлик ва тортишувга сабаб бўладиганлари бўлса узр сўрайман.

«Пахтакор» командаси ўзига хос ўйин услубига эга. Команда асосан ҳужумга аҳамият беради. Ярим ҳимоячилар ҳаракатчанлиги билан ажралиб турадилар. Тўғри, мен Сочи шаҳрида ўтказилган учрашувда пахтакорчиларнинг жуда тез ва аниқ ҳаракат қилганликларининг гувоҳи бўлган эдим.

Тошкентда бўладиган учрашувга жиддий тайёргарлик кўрган эдик. Асосий эътиборни ҳимояга бериб, баъзан шиддатли қарши ҳужум уюштиришни планлаштиргандик. Шу боисдан ҳам биринчи бўлимдаги «Пахтакор»нинг ўйини бизни ҳайратлантириб қўйди. Пахтакорчилар майдонда чаққонлик ва эпчиллик билан ҳаракат қилишмади. Жарима майдонимизга яқинлашиб келган ҳужумчи ва ярим ҳимоячилар яхши ўйин кўрсатиша олмади. Шунинг учун ҳам улар жуда кам хавфли вазият вужудга келтиришди. Назаримда вужудга келтирилган хавфли вазиятлар биринчи бўлимда ҳар икки командада тенг бўлди.

Биринчи бўлимда командамиз ўйинчилари фақат бир марта хатога йўл қўйишди. Улар М. Ан ва В. Макаровларни таъқиб қилишга алоҳида эътибор бериб, бошқа ярим ҳимоячиларни жарима майдонимизга яқинлашишига имкон яратишди.

Танаффус пайтида мен ўз футболчиларимга хатоларини тушунтирдим. Уларга «Пахтакор»нинг ҳимоя чизигидаги хатолардан тўғри фойдаланиш, шиддатли қарши ҳужумга ўтишни тавсия этдим. Назаримда, ҳимоя тошкентликларнинг энг бўш звеноси ҳисобланади. Айниқса бу нарса тошкентлик ҳимоячиларнинг тўп учун бўлган якама-яка олишувида яққол нўзга ташланади. «Пахтакор» командасининг устози бу ҳақда жиддий ўйлаб қўриши керак. Агар «Пахтакор»нинг ҳимояси яхши йўлга қўйилса у олий лигадаги энг кучли командалар билан ҳам тенг баҳслашиш имконига эга бўлади.

Ўйлайманки, тошкентликлар бу мавсумда фақат олий лига командалари орасида мустаҳкамланиб қолишмасдан, балки турнир жадвалининг ўрталаридан жой олишади. Пахтакорчиларга мамлакат биринчилигидаги учрашувларда муваффақият тилайман.

ПАССАЖИРЛАР ДИҚҚАТИГА

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг шаҳар пассажир транспорти барча турлари ишини координация қилиш ва ривожлантириш бўйича бошқармаси маълум қилади: ўқувчиларни ёзги пионер лагерларига оммавий кузатиш муносабати билан 1978 йил 1 июндан 10 июнгача шаҳар ва шаҳар атрофи маршрутларида қатновчи автобуслар сони бир мунча камаяди.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ V ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИДА 30 МАЙДАН 1 ИЮНГАЧА НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИГАН БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИНГ

РЕПЕРТУАРИ

ҲАМЗА НОМЛИ КИНОТЕАТРДА

30 МАЙДА — **Биз ҳам бошқалардан кам эмасмиз** (Ҳиндистон).
Сеанслар соат 9.30, 12.30, 15.30, 18.30, 21.30 да бошланади.
31 МАЙДА — **Ташвиш** (Ҳиндистон).
Сеанслар соат 10, 12.50, 15.40, 18.10, 21.00 да бошланади.
1 ИЮНДА — **Қизиллар, оқлар, қоралар** (Сурия), **Жасур ҳайдовчилар** (Япония).
Сеанслар соат 10, 13.30, 17, 20.30 да бошланади.

ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА

30 МАЙДА — **Меҳмон** (Покистон).
Сеанслар соат 10, 13, 16, 19, 21.30 да бошланади.
31 МАЙДА — **Инсонни синаш** (Япония).
Сеанслар соат 10.30, 13, 15.30, 18, 20.30 да бошланади.
1 ИЮНДА — **Имтиҳон** (Ҳиндистон).
Сеанслар соат 10, 13, 16, 19, 21.30 да бошланади.

«ҚЎҚЧА» КИНОТЕАТРИДА

30 МАЙДА—**Ганг ҳурмати қасам ичаман** (Ҳиндистон).
Сеанслар соат 10, 13, 16, 19, 21.40 да бошланади.
31 МАЙДА — **Дзюдо ҳақида ҳикоя** (Япония).
Сеанслар соат 10, 12.30, 15, 17.30, 20.00 да бошланади.
1 ИЮНДА — **10 номер** (Ҳиндистон).
Сеанслар соат 10, 13, 16, 19, 21.40 да бошланади.

«ҚОЗОҒИСТОН» КИНОТЕАТРИДА

30 МАЙДА — **Самурайлар фитнаси** (Япония).
Сеанслар соат 11, 13.30, 16, 18.30, 21.00 (1 зал), 12, 14.30, 17, 20.00 (2 зал) бошланади.
31 МАЙДА — **Трезубец** (Ҳиндистон).
Сеанслар соат 11, 14, 17, 20.00 (1 зал), 12, 15, 19.00 (2 зал)да бошланади.
1 ИЮНДА — **Эксперимент** (Эрон), **Кобра** (Япония).
Сеанслар соат 11, 14, 17, 20.00 (1 зал), 12, 15, 18, 21.00 (2 зал)да бошланади.

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА

30 МАЙДА — **Саккиз қабр қишлоғи** (Япония).
Сеанслар соат 11, 14, 17, 20.00 да бошланади.
31 МАЙДА — **Ялтироқ қурт** (Ҳиндистон).
Сеанслар соат 10, 12.30, 15, 17.30, 20.00 да бошланади.
1 ИЮНДА — **Дзюдо ҳақида ҳикоя** (Япония).
Сеанслар соат 10, 12.30, 15, 17.30, 20.00 да бошланади.

«МОСКВА» КИНОТЕАТРИДА

30 МАЙДА — **Кўз ёши** (Покистон).
Сеанслар соат 11, 14, 17, 20.00 да бошланади.
31 МАЙДА — **Икки гармоння** (Япония), **Узун тун** (Эрон).
Сеанслар соат 10, 13, 15, 16.30, 20.00 да бошланади.
1 ИЮНДА — **Бола ва акула** (Мексика), **Космосдаги уруш** (Япония).
Сеанслар соат 10, 13.30, 17, 20.30 да бошланади.

ЛИСУНОВ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА

30 МАЙДА — **Дзюдо ҳақида ҳикоя** (Япония).
Сеанслар соат 11, 14, 17, 20.00 да бошланади.
31 МАЙДА — **Уқитувчи учун аттестат** (Япония), **От ва қўшиқчи** (Мексика).
Сеанслар соат 10, 13.30, 17, 20.30 да бошланади.
1 ИЮНДА — **Кўз ёши** (Покистон).
Сеанслар соат 11, 14, 17, 20.00 да бошланади.

«ЧАЙКА» КИНОТЕАТРИДА

30 МАЙДА — **Ташвиш** (Ҳиндистон).
Сеанслар соат 11, 13.45, 16.30, 19, 21.45 да бошланади.
31 МАЙДА — **Лайли ва бошқалар** (Жазоир), **Кобра** (Япония).
Сеанслар соат 10, 13, 16, 18.45, 21.30 да бошланади.
1 ИЮНДА — **Узун тун** (Эрон), **Севиш учун ҳали ёш** (Миср Араб Республикаси).
Сеанслар соат 10, 14, 18, 21.45 да бошланади.

«ДРУЖБА» КИНОТЕАТРИДА

30 МАЙДА — **Мени қуч** (Покистон).
Сеанслар соат 10, 13, 16, 18.45, 21.20 (1 зал), 11, 14, 17, 20.00 (2 зал)да бошланади.
31 МАЙДА — **Имтиҳон** (Ҳиндистон).
Сеанслар соат 10, 13, 16, 18.40, 21.20 (1 зал), 11, 14, 17, 20.00 (2 зал)да бошланади.
1 ИЮНДА — **Самурайлар фитнаси** (Япония).
Сеанслар соат 10, 12.40, 15.20, 18, 20.30 (1 зал), 10.40, 13.30, 16, 18.30, 21.00 (2 зал)да бошланади.

«НУҚУС» КИНОТЕАТРИДА

30 МАЙДА — **Манекен** (Тунис), **Африкадаги пойга** (Кения).
Сеанслар соат 10, 14, 19.30 да бошланади.
31 МАЙДА — **Кўз ёши** (Покистон).
Сеанслар соат 10, 13.30, 17.20 да бошланади.
1 ИЮНДА — **Севгилим** (Ҳиндистон).
Сеанслар соат 10, 13.30, 17, 20.00 да бошланади.

«ВОСТОК» КИНОТЕАТРИДА

30 МАЙДА — **10 номер** (Ҳиндистон).
Сеанслар соат 10, 13, 16, 19, 21.40 (катта зал), 9, 11.30, 14.40, 17.30, 20.30 (кичик зал)да бошланади.
31 МАЙДА — **Бола ва акула** (Мексика).
Сеанслар соат 10, 13.50, 17.40, 21.30 (катта зал), **Севиш учун ҳали ёш** (Миср Араб Республикаси).
Сеанслар соат 10.30, 14.20, 18.10, 22.00 (кичик зал)да бошланади.
1 ИЮНДА — **Инсонни синаш** (Япония).
Сеанслар соат 8.45, 11, 13.30, 16, 18.30, 21.00 (катта зал), 10, 12.30, 15, 17.30, 20, 22.00 (кичик зал)да бошланади.

«ФЕСТИВАЛЬ» КИНОТЕАТРИДА (ёзги)

30 МАЙДА — **Севги қасами** (Покистон).
31 МАЙДА — **Самурайлар фитнаси** (Япония).
1 ИЮНДА — **Ёмғир ёғяпти** (Мексика), **Ҳафта охиридаги узун дам олиш куни** (Австралия).
Сеанслар соат 20.45 да бошланади.

«ХИВА» КИНОТЕАТРИДА (ёзги)

30 МАЙДА — **Севги қасами** (Покистон).
31 МАЙДА — **Самурайлар фитнаси** (Япония).
1 ИЮНДА — **Ёмғир ёғяпти** (Мексика), **Ҳафта охиридаги узун дам олиш куни** (Австралия).
Сеанслар соат 21.00 да бошланади.



Китобсеварлар диққатига!

1978 ИИЛ 1 ИЮНДАН БОШЛАБ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА 5 ЭТАП АБОНЕМЕНТЛАРИ БЎЙИЧА БАДИИЙ АДАБИЁТЛАРГА АЛМАШТИРИШ УЧУН

МАКУЛАТУРА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

Абонементлар бир вақтнинг ўзида 5 килограммдан кам бўлмаган миқдорда макулатура топширган тақдирдагина берилади.

Кейинги гал эса талонлар фақат абонементнинг тескари томонига тегишли белги қўйилган абонемент кўрсатилган тақдирдагина берилади.

Сиз абонементга макулатура топшириш тартиби ҳақидаги инструкция билан барча қабул пунктларида танишишингиз мумкин.

Макулатура топширган тақдирда қўлга бериш учун мўлжалланган китобларнинг 5 этап абонементлари рўйхати —

О. Форш. «Одети камнем, Михайловский замок» (1 томлик).

Н. Раевский «Ёслн заговорят портрети». «Портрети заговорили» (1 томлик).

А. Дюма. «10 лет спустя» (3 томлик).

Т. Драйзер. «Американская трагедия» (2 томлик).

А. Хейли. «Отель. Аэропорт» (1 томлик).

Макулатура қабул қилиш пунктларининг адреси:

3-қабул пункти — Қўйлиқ бозори (7, 52, 68-автобусларнинг «Қўйлиқ бозори» бекати);

7-қабул пункти — Юнусобод Б-1 массиви (8, 60, 72-автобуслар, 25, 28, 29-трамвайларнинг «Колхоз бозори» бекати).

9-қабул пункти — З. Саид кўчаси (8-трамвай, 34, 64, 83-автобусларнинг «Гулзор» бекати).

10-қабул пункти — Қорақамиш массиви, 1/3-уй (40, 56, 59-автобуслар ва 27-трамвай боради).

11-қабул пункти — Қорақамиш массиви, 2/4-уй (38, 56, 59, 65-автобусларнинг «Сўнгги бекати»).

12-қабул пункти — Физкультурная кўчаси, Тўқимачилик комбинати рўпарасида (7, 9, 11-трамвайлар, 3, 34, 79-автобуслар боради).

13-қабул пункти — Чилонзор массиви, 24-квартал, 53-уй 82-квартира (4, 9, 19-трамвайлар боради).

14-қабул пункти — Чилонзор массиви, 18-квартал, 10 «а»-уй, 1-квартира (29-автобус).

16-қабул пункти — Чилонзор массиви, 12-квартал, 23-уй, 39-квартира (2, 33, 41, 54, 75, 79-автобуслар, 4, 9, 19-трамвайларнинг «Фарҳод бозори» бекати).

17-қабул пункти — Чилонзор массиви, 24-квартал, 15-уй, 24-квартира (4, 9, 19-трамвайларнинг «Москва» кафеси» бекати).

18-қабул пункти — Спутник Ц-3 массиви, 5-уй (58, 75, 66-автобуслар, 15-троллейбус).

19-қабул пункти — Ж. Обидова кўчаси, 19-автобус, 2, 16-трамвайларнинг «Бодомзор» бекати).

20-қабул пункти — Олой бозори (8-автобус, 2, 16, 22, 23-трамвайлар).

24-қабул пункти — Полторацкий кўчаси, 2-уй (7, 12, 26, 52-автобусларнинг «Вино заводи» бекати).

25-қабул пункти — Лисунов кўчаси, 1-квартал (8, 21, 48, 80-автобусларнинг «Бирлашган кўча» бекати).

26-қабул пункти — М. Горький проспекти (17, 71-автобуслар, 13, 22-трамвайларнинг «Трамвай-троллейбус депоси» бекати).

28-қабул пункти — Первомайский бозори (25, 61-автобуслар, 2, 10-трамвайлар.).

Аҳолидан макулатура қабул қилиш кунлари:

Жума, шанба, якшанба. Иш вақти 9.00 дан 18.00 гача. Танаффус 13.00 дан 14.00 гача.

15-қабул пункти — Чилонзор массиви, 1-квартал, 1-уй (3, 33, 54, 70-автобуслар, 9, 11-трамвайлар, 6, 7, 9, 11, 12-троллейбусларнинг «Муқимий кўчаси» бекати).

Аҳолидан макулатура қабул қилиш кунлари.

Душанба, сешанба, чоршанба Иш вақти 9.00 дан 18.00 гача. Танаффус 13.00 дан 14.00 гача.

Июнь ойининг I ва II ўн кунлигида макулатуралар қабул қилинади ва Т. Драйзернинг 2 томлик «Американская трагедия» китобига абонемент ва талонлар берилади. Ойнинг III ўн кунлигида эса О. Форшнинг 1 томлик «Одети камнем. Михайловский замок» китобига абонемент ва талонлар берилади.

«УЗБЕКВТОРСИРЬЁ»
РЕСПУБЛИКА ТРЕСТИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитети

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕБЕЛЬ САНОАТИ БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ

140-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—1979 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ:—**кенг профилдаги ёғочсоз-станокчи** (ўқиш муддати — 1 йил), **дурадгор** (3 йил), **фанерчи** (1 йил), **пардозловчи** (1 йил), **ёғочсозлик ускуналарини созловчи** (3 йил), **прессчи** (1 йил) **бадиий ва моделли мебеллар дурадгорларини** (3 йил) **тайёрлайди.**

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

3 йиллик ўқишни тамомлаганларга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ва ҳунари бўйича аттестат берилади.

Ўқувчилар кунига 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН БИТИРГАНЛАР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ИМТИЁЗЛИ РАВИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

140-ҳунар-техника билим юрти янги замонавий типда қурилган. Билим юрти қошида бадиий ҳаваскорлик тўгараги доим ишлаб туради. Янги типдаги спорт комплекси бор. Унда ҳар хил тўгараклар ишлайди (бокс, енгил атлетика, шахматшашка, футбол ва волейбол).

Областлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, медицина справкаси.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Ҳужжатлар соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, «Спутник» массиви, 4-квартал (58, 75-автобуслар, 15-троллейбуснинг «Билим юрти» бекати).

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

31 МАЙ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.50 Эртадабки гимнастика машғулотлари. 10.10 «Пролог» Бадиий фильм. 11.40 «Киносаёҳатчилар клуби». 15.30 «Меҳнатинг-иқболинг». Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.20 «А. С. Пушкин чизган расмлар». 17.20 «Объектив». 17.50 «М. Сливоцкий куйлайди».

18.00 «Горичилар, қаердасиз?». 18.30 Янгиликлар. 18.40 «Дўмбоқ қоғирғуа». Мультфильм. 18.45 «Фан оламида». 19.15 «Спортлото» тиражи». 19.30 О. Загрядник. «Бойгли соат учун куй». М. Горький номли ССР Иттифоқи Москва бадиий академик театрининг фильм-спектакли. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.15 «Музикальная жизнь». Телевизион журнал. 23.20 «Гагра — Пицунда». Телевизион ҳужжатли фильм. 23.45 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 «Машенька ва айиқ». Мультфильм. 11.20 «Старшеклассник». программаси. 11.50 «Тог болалари». Телевизион фильм-концерт.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун кинофильм. 18.30 Кичкинтойлар учун. «Ўйлаб топ» (рус.). 18.55 «Миллионлар ленинча университети». «КПСС XXV съезди социалистик мамлакатларнинг бирлиги ва ҳар томонлама ҳамкорлигини мустаҳкамлаш тўғрисида». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Муножат». Телевизион фильм-концерт премьераси («Ўзбектелефильм»). 20.10 «Ахборот» информацион программаси. 20.30 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевидениеларининг биргаликдаги программаси. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.15 «Июнь — ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой». 22.30 «Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари V халқаро Тошкент кинофестивалида». 23.10 «Узбекистоннинг қўшиқдари ва рақслари». Телевизион фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 00.10 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Менинг тақдирим». Телевизион бадиий фильм. 3-серия. (рус.). 20.15 Тошкент янгиликлари. 20.35 «Ерда». Телевизион фильм. 20.45 «Қизиқувчилар экрани». 21.15 «Асли Цодадан, кавкалик». Телевизион ҳужжатли фильм.

30 МАЙ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700,000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва қурилиш — 32-54-19; фан, маъраф ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 38-81-42.

Р. 07615. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Напр Д—1321.